Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 193 (21. 060), 1991 йил 3 октябрь пайшанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ҒАЙРАТНИ БЎШАШТИРМАНГ, ЛАБЗИ ҲАЛОЛ ПАХТАКОРЛАР!

● Республикамиз бўйича ҳозиргача 1 миллион 730 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул пунктларига топширилди. Шу кунларда пахтакорларимиз суръатни жадаллаштириб, ўтган йилги натижага етиб олиш учун ҳаракат қилаётирлар.

Кўклам деҳқону соҳибкорлар учун ноқулай келганига қарамай боғ-роғларда, полиз ва сабзавотзорларда, беполён пахтазорларда баракали ҳосил етиштирилди. Лабзи ҳалол қишлоқ меҳнаткашлари давлатга деҳқончилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан олган юксак мажбуриятларини бирин-кетин ошириб бажармоқдалар.

● Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг оширилиши деҳқонга куч-қувват, ишонч ва умид бағишламоқда. Бу борада **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларини ошириш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди.** Пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, шунингдек, колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нархларда моддий-техника ресурсларини сотиб олишга сарфлаган харажатларини қисман қоплашга ёрдам берадиган бу қарор эндиликда пахта хом ашёси ҳосилини ўз вақтида териб олишни ташкил этиш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлади. **Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини бюджетга фойдадан олинадиган солиқ ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоизли ажратма тўлашдан холи этиш тўғрисида»ги** қарори ҳам пахтакорларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

● Республикамизда пахта тайёрлашнинг бориши буни яққол кўрсатиб турибди. Теримда бухоролик пахтакорлар пешқадамлик қилишмоқда. Улар пахта тайёрлаш жиҳатидан ўтган йилги натижага яқинлашиб қолдилар. Ўтган йилнинг шу бугунига қадар 325 минг тонна пахта тайёрланган бўлса, бу йил улар 300 минг тоннадан зиёд ҳосилни йиғиштириб олдилар. Ҳозиргача фарғоналиклар 242 минг тоннадан зиёд, қашқадарёликлар 210 минг тоннадан ортиқ, сурхондарёликлар 170 минг тоннадан ошириб пахта тайёрлашди.

Республикамиз бўйича ҳозиргача мингдан зиёд бригада зафар манзилига етиб келди. Таҳририятимизга режалар бажарилгани ҳақидаги хабарлар кетмакет келиб турибди. Кўплаб жамоа ва давлат хўжаликлари ҳам маррага етишди. Олот, Ромитан, Ленинград, Ўзбекистон, Ғузор, Ангор, Жарқўрғон районларининг миришкорлари ҳам ғалаба манзили сари дадил одимламоқдалар.

Дастлабки ёмғирлар ҳам ёғиб ўтди. Фарғоналиклар суръатни бироз susайтиришди. Лекин Тошкент, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг пахтакорлари суръатни тобора оширишга эришмоқдалар. Ўйлаймизки, бошқа вилоятларнинг пахтакорлари ҳам улардан ўрнак олиб, пахта тайёрлашда пешқадамлар қаторидан ўрин оладилар.

«Ўзбекистон овози», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

БУГУНГИ СОНДА:

● «Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунунида ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Зиёдулла МУҚИМОВ «Масалага тарихан қараганда» мақоласи билан қатнашади. (2-бет).

Ҳ. БОБОМУРОДОВА:
● Она — сен яшаган олам осойишта, тинч, барқарор бўлгай. Меҳрга ташна элнинг, муҳаббатга ташна дилнинг ғамгусори бўлавер, аёл. (3-бет).

М. ЖАББОР:
● Бизнинг кучимиз — бирликда... Ёрқин келажагимизга эса албатта ишонайлик, у ўз қўлимизда. (4-бет).

ЧИН ҚАЛБДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ўртоқ Ислом КАРИМОВга

Ўзбекистонлик биродарларимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш йўлидаги қизғин фаолиятингиз учун Сизга катта раҳмат! Ўйлайманки, қадимдан дини, урф-одати, маданияти ва санъати бир бўлган тожиклар билан ўзбеклар диёри миллий истиқлол туфайли энди янада гўллаб-яшнайди, дўстлиги, бирдамлиги мустаҳкамланаверади.

Маъруфхўжа БАҲОДИРОВ,
Тожикистон халқ ҳофизи.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ўртоқ И. А. КАРИМОВга

Республикамизнинг мустақиллигини таъминлашдаги саъйи ҳаракатингизни чин дилдан эътироф этамиз. Истиқлол миллий қадриятларимизнинг тикланиши, камол топишига кўмаклашувида муҳим роль ўйнайди, деб ўйлаймиз.

Юз йиллар мобайнида халқ оғзидан тушмаётган, эл бойлигига айланган мақомларимизга анча пайт иккинчи даражали санъат сифатида қаралди, ривожига эътибор берилмади. Мустақиллик шабадаси бундай қарашларга барҳам бергусидир.

Биз ўзимиз яратадиган, куйлайдиган куй ва қўшиқларимиз халқимиз тенглигига, фаровонлигига хизмат қилади, деб ишонч билдирамиз.

Бозорбой САФАРОВ,
Ўзбекистон телерадиоси Бадиий жамоалар директори.
Анвар НАЗАРХОНОВ,
директор муовини.
Ғанюкон ТОШМАТОВ,
Абдуҳошим ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артистлари.
Икромжон БУРОНОВ,
Қаҳрамон КОМИЛОВ,
республикада хизмат кўрсатган артистлар.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВга

А. Қодирий номли Жиззах давлат дорилмуаллимининг кўп сонли профессор-ўқитувчилари ва талабалари Сизни ва халқимизни республикамизнинг мустақиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Сиз олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаймиз ва эришилган ғалабани мустаҳкамлашда имкониятимиз доирасида барча ишларни амалга оширишга тайёрмиз.

Дорилмуаллимин жамоаси номидан
П. З. ДАВРОНОВ,
Риёзиёт куллиёти декани.

Шунингдек, республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши муносабати билан Риштон районидаги Оқ ер қишлоқ Кенгаши аҳолиси номидан **М. Сулаймонов**, Ангрен олтин саралаш фабрикаси ишчилари номидан **Урол Жўраев, Раҳим Омонов, Абдували Усаров, Рустам Назарқулов**, Ангрен шаҳридаги 20-маҳалла аҳли номидан маҳалла қўмитаси раиси **Н. Сайфутдинов**, Ульянов районидаги Н. Жамолов номли мактаб жамоаси номидан **Ёдгор Мўмин ўғли**, Тинчликни ҳимоя қилиш Қўмитаси Бухоро вилояти бўлими раисининг ўринбосари **Мирзо Очилов**, Тошкент шаҳар Чилонзор районида истиқомат қилувчи **Р. Одилова** ва бошқалар ҳам табрик мактублари йўллашган.

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ПАРВОЗ ҚИЛДИ



● А. Волков (ўртада), Т. Абубакиров (чапда) ва Ф. Фибек машғулот пайтида.

А. ПУШКАРЕВ олган сурат (ТАСС).

Москва, 2 октябрь. (ТАСС). Бугун Москва вақти билан соат 7 дан 59 дақиқа 30 сония ўтганда «Союз ТМ-13» космик кемаси учирилди, деб хабар қилишди учишни бошқариш марказидан.

Кемани командир, Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси Александр Волков, тадқиқотчи-космонавтлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтар Абубакиров ва Австрия Республикасининг фуқароси Франц Фибекдан иборат халқаро экипаж бошқармоқда.

Австрия халқаро экипажининг тадқиқотчи-космонавти сифатида парвоз қилишга тайёргарликдан ўтди.

Александр Александрович ВОЛКОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Александр Волков 1948 йилнинг 27 майида Донецк вилоятидаги Горловка шаҳрида туғилди.

1970 йилда икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. И. Грицевец номли Харьков олий ҳарбий авиация билим юртини тугатганидан сўнг ҳарбий-ҳаво кучларида учувчи-инструктор бўлиб хизмат қилди. «1-класс ҳарбий учувчи» ва «2-класс синовчи учувчи» малакасига эга.

Александр Волков икки марта фазога парвоз қилган. Биринчи марта 1985 йилда «Салют-7» орбитал станциясида тадқиқотчи-космонавт сифатида, иккинчи марта эса 1988 — 1989 йилларда совет—француз экипажининг ва «Мир» станциясидаги тўртинчи асосий экипажнинг командири сифатида хизмат қилган. Унга «2-класс космонавт» малакаси берилган.

Франц ФИБЕК

Австрия Республикасининг фуқароси Франц Фибек 1960 йил 24 августда Венада туғилган.

1985 йилда Вена техника дорилфунунининг электротехника факультетини тугатгач, электроника илмгоҳида ишлаган. Олти Европа тилини билади.

Франц Фибек 1990 йилнинг январида Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказида машқларга киришди. «Союз-ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал комплексида Совет — Австрия халқаро экипажининг тадқиқотчи-космонавти сифатида учишга тайёргарлик кўрди.

Тўхтар Унғарбоевич АБУБАКИРОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтар Унғарбоевич Абубакиров 1946 йил 27 июлда Қарағанда вилоятининг Қарқаралы районидаги Биринчи Май номли колхоз посёлкасида туғилди.

Меҳнат фаолиятини 15 ёшидан бошлади, Темиртов қуювмеханика заводида токарь бўлиб ишлади, айни вақтда кечки мактабда ўқиди. 1969 йилда ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари Қизил Байроқ орденли Армавир учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тугатганидан сўнг Ҳарбий-ҳаво кучларида хизмат қилди.

Синовчи-учувчилар мактабини тугатганидан кейин 1976 йилдан бошлаб Тўхтар Унғарбоевич синов ишлари билан шуғулланди. Шу вақт ичида у самолётларнинг 50 дан ортиқ хилини ўзлаштирди.

1979 йилда асосий ишидан ажралмаган ҳолда Серго Оржоникидзе номли Москва авиация олий билимгоҳини тугатди.

Унга 1990 йилда «СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи» фахрий унвони берилган.

1991 йилда Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказида машқларга киришди. «Союз-ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал комплексида Совет — Австрия халқаро экипажининг тадқиқотчи-космонавти сифатида учишга тайёргарлик кўрди.

УЮШҚОҚЛИК НАМУНАСИ

Шу кунларда Жиззах вилоятининг кўпчилик районлари 5—6 фоиз миқдорида пахта тайёрлашга эришмоқдалар.

Қўрғ Арнасой районининг бу йилги шашти баланд. Мана, бир неча кундирки, район механизаторлари суръатга-суръат қўшиб, йиллик режанинг 7—8 фоизи миқдорида пахта термоқдалар. Натижада йиллик режани муддатидан олдин уддалаётган жамоалар сони тобора кўпаймоқда. Биргина Конев номли давлат хўжалигида 20 га яқин звено ғалаба маррасига етиб келди. Тимошенко номли, Бобо Файзиев номли давлат хўжаликлари эса сўнгги ўн йилликлар мобайнида илк бор юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

Дўстлик районида пахта далаларида 500 дан зиёд пахта териш машинаси ишлаб турибди. Механизаторлар ҳар бир машина билан ўртача 6—6,5 тоннага етказиб пахта теришмоқда. Ленин номли давлат хўжалиги механизатори Э. Абдуллаевнинг уйган хирмони 200 тоннадан ошди.

Мирзачўл, Пахтакор, Октябрь районлари дала меҳнаткашлари ҳам фурсатдан унумли фойдаланиб, меҳнат қилмоқдалар. Тўғри, табиат пахтакорларни ўз инжиқликларидан бир қадар оғоҳ этиб ҳам улгурди. Лекин мавсумга пухта тайёргарлик кўрган, мавжуд техникани сифатли таъмирлаган чўлқуварлар бундан шошиб қолмадилар.

— Жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган пахтанинг харид ва улгуржи нархларини ошириш борасидаги қарор мавсумнинг уюшқоқлик билан ўтишига омил бўлмоқда, — дейди Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги бошлиғи Ш. Номозов. — Жамоамизда биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга эришдик. Механизатор Ф. Юнусовнинг терган пахтаси 220 тоннага етди.

Аммо ёмғирли кунлар тобора яқинлашиб келаётганлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шундай экан, йиғим-теримда сусткашликка йўл қўймай даладаги ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олиш даркор. Ана шунда пахтакорнинг эл олдидаги юзи ёруғ бўлади. Механизаторларнинг ҳам, пахтакорларнинг ҳам бу оддий ҳақиқатни англаб меҳнат қилаётганликлари чўлқувар вилоятнинг ўз олдидаги режаларини сўзсиз уддалашидан далолат бериб турибди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАВҚУЛОДДА XXIII СЪЕЗДИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган бошқа жараёнлар муносабати билан одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари алоҳида муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳисобга олиб ва миллати, дини ҳамда эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари республика Конституцияси ва қонунларининг ҳимоясида бўлишини белгилаб берувчи «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси қоидаларига амал этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсатига давлат ва жамоат ташкилотларининг тугатилиши ҳамда қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшаётган ходимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишига, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 30 сентябрь.

●

[Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Республикаси мустақиллигини эътироф этиш тўғрисидаги Олий Кенгашнинг қарорлари ҳамда Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Республикаси Олий Кенгашларига мурожаатномалар рўзноманинг навбатдаги сонида эълон қилинади].

«Ўзбекистон овози»га ёзилдин гизми?

● Муҳандисман. Ёшим 40 да. Оилада тўрт кишимиз. Тахминан ўн беш йилдан буён «Ўзбекистон овози»ни ўқиб келаман. Очиғини айтсам, кейинги йилларда рўзнома саҳифаларида партия ҳаёти ва деҳқончилик юмушлари қандай бораётганлиги мавзусидан бошқа нарсаларга эътибор берилмасди. Шунинг учун 1991 йилга атайин ёзилмагандим. Лекин, турмуш ўртоғим одат кучи билан унга обуна бўлибди. Кейинги пайтларда рўзнома ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгарди. Бу мустақиллик шарофатидан бўлса ажабмас. Халқнинг ҳаётига чуқур кириб бораётгани айни кўнгилдагидек бўляпти. Ишни ана шундай давом эттириш керак. Келгуси йил учун унга биринчилардан бўлиб ёзилдим. Бошқаларни ҳам шундай қилишга даъват этаман.

Г. КАРАНАЕВ,
Риштон шаҳри.

● 1960 йилдан буён отахон рўзноманинг доимий муштарийсиман. Унинг номи ўзгариб «Ўзбекистон овози» бўлгач ва айниқса муассиси — партия ҳомийлигидан қутилгач ўқийдиган рўзнома бўлиб бормоқда. Ҳали бу кам. Унинг саҳифаларида пахтакор, боғбон ва чорвадорлар ҳаёти ва юмушини ёритадиган мақолалар қатори кичик-кичик ҳажмдаги ҳикоялар, хандалар, турмушдаги нуқсонларни аёвсиз фош этадиган захарханда фельетонларни ҳам ўқишни истаймиз. Ҳозир республикамиз экологияси жуда ҳам бузилиб кетди. Ана шундай воқеанинг сабабчи бўлишига кимлар, қайси корхоналар сабабчи бўляпти, рўзнома саҳифаларида ана шундай кишиларнинг номи аниқ кўрсатилган ўткир танқидий мақолалар бериб борилса савобли иш бўларди. Биз кўпинча тарихимиздан ажралиб қолганимиз ҳақида гапирамизу, аммо шу ҳақда рўзномаларда аниқ-равшан мақолалар ўқиёлмаяпмиз. Агар аждодалломаларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида бир пайтлар қилинганидек сурункали очерклар бериб борилса ёмон бўлмасди.

У. ЖЎРАЕВ,
Ангрен шаҳри.

ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга — 25 сўм 68 тийин; ярим йилга — 12 сўм 84 тийин; уч ойга — 6 сўм 42 тийин. Нашр кўрсаткичи — 64583

ЭЗГУЛИК ҚАДАМИ

ЎН УЧ РЕСПУБЛИКА РАҲБАРЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

● 1 октябрь куни Қозоғистон пойтахти — Олмаотада мустақил давлатларнинг иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги ахборотни 12 республика имзолади. Шу Республикаларнинг саккизтаси шартномани 15 октябрга ча тасдиқлашга тайёр. Тўрт республика — Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон ва Молдова шартномага кейинроқ, қўшимча келишувлардан сўнг қўшилади.

Республикаларнинг раҳбарлари журналистлар билан учрашув чоғида уларнинг саволларига жавоб қайтариб, ҳақиқий рўй-ростлик муҳитини ва муросага келиш истагини таъкидладилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мафқуравий нўхтасиз, сиёсатдан холи, янгича ишлаймиз» шиори ана шундай муҳитни вужудга келтирган асосий омил бўлди. Кўп одамлар Олмаота анжуманининг муваффақиятига Нурсултон Назарбоев шахсан катта ҳисса қўшганлигини таъкидладилар. Қирғизистон Олий Кенгаши Раиси М. Шеримқулов Олмаотада иқтисодий ҳамжамият моделининг пайдо бўлишини ҳатто Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги ҳаддан ташқари чўзилиб кетган сиёсий можарода амалий босқичнинг бошланиши, деб атади.

Журналистлар, айниқса хорижий журналистлар СССР Президенти нима учун Олмаота учрашувида қатнашмаяпти, деб сўрашди. Иван Силаевнинг, шунингдек, Россия делегациясининг бошлиғи Евгений Сабуровнинг жаволари бугунги муваффақият мамлакат Президенти учун ҳам кутилмаган муваффақият бўлганига журналистларни ишонтира олди. Қозоғистонга жўнашдан олдин биз М. С. Горбачев билан гаплашдик, деди И. С. Силаев. У шартномани имзолашни тезлаштириш зарурлиги тўғрисида гапирди, лекин «вазият шу қадар тез етилишини» кутмаган эди. Бунда бир қанча республикалар раҳбарларининг яқдил фикрини таъкидламаслик мумкин эмас: «Михаил Горбачев, — дейишди улар, — бу учрашувда ҳозир бўлишдан фақат ютган бўларди...».

Н. Назарбоев Қозоғистон ҳудудидаги ядро қуролининг тақдири тўғрисидаги саволга жавобан бундай деди:

— Сизларга маълумки, Семипалатинск полигони тақдирини республика халқи ҳал қилди. Полигон ёпиб қўйилади. Замонавий ракета-ядро қурилмалари Қозоғистонда қолаверади, лекин улар ягона ядро марказидан туриб бошқарилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги миллатлараро муносабатлар, республикаларнинг жипслашиши, шартномага мувофиқ республикаларо иқтисод комитетининг раиси қандай сайланиши ҳақида, Олмаотада қабул қилинган ахборотнинг асосий йўллари қандайлиги тўғрисида кўп саволлар берилди. Ахборотдаги асосий янгиликни айтдик, яқин кунларда ахборот матбуотда тўла эълон қилинади, деб жавоб берилди.

Республикаларо иқтисод комитети раисига келганда эса, СССР Президентининг Фармонига биноан шартнома имзолангунга қадар Иван Степанович Силаев комитет раиси бўлади.

Қозоғистон Президенти учрашувга ўз делегациясини юбормаган Эстониядан олинган телеграммани ўқиб берди. Арнольд Рюйтель республикаларнинг Олмаотада тўпланган раҳбарларини табриклаб, уларнинг учрашуви давлатлар ўртасида янги, тағин ҳам адолатли муносабатларга олиб боради, деб умид билдирди.

Журналистлар собиқ Иттифоқдаги 14-республика раҳбарининг бу телеграммасини яхшилик белгиси деб ҳисобладилар. Эндиликда энг муҳими ана шу умидларга кенг йўл очиб беришдир.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Ф. ИГНАТОВ,
ТАСС махсус мухбирлари.

• «Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

МАСАЛАГА ТАРИХАН ҚАРАГАНДА

Зиёдулла МУҚИМОВ

ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

МУСТАҚИЛЛИК... Шу биргина сўзни эшитишдаёқ кишининг кўнгиллари яйраб, юраклари қувончга тўлади, елкалари эса оғир юкдан қутулиб, тиклангандек эркин нафас олади.

Тарихда мустақиллик учун интилган ўнлаб мамлакатларнинг оғир курашлар натижасидагина бунга эришганлари маълум. Чунончи, жаҳоннинг биргина ёш, қудратли ва йирик давлати бўлган АҚШни олайлик. Мустақиллик Декларацияси 1776 йилда тўплар садолари остида эълон қилингандан кейин ҳам уни де юри — яъни юридик жиҳатдан мустақил давлат деб тан олиниши учун яна 7 йил зарур бўлган. Мустамлакачи давлат бўлган Англия фақат 1783 йилдагина унинг мустақиллигини тан олиб, яраш сулҳини имзолаган. Жаҳоннинг барча халқлари эрксевар халқлар бўлганлиги каби, бизнинг ўзбек халқимиз ҳам жуда озодликсевардир. Буни ҳатто унинг номидан ҳам билиб олса бўлади. Яқин тарихга бир назар ташласак ҳам унинг араблар, мўғуллар, эронийлар истилосидан нисбатан тез қутулганлигини кўрамиз. 1864 йилгача ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари билан ҳамжиҳат, биродарликда бўлиб, сиёсий мустақил давлатлар ўзбек хонликларида яшаб келган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси Англиянинг Шарқда ўз таъсирини кенгайтиришига қарши курашиб, Ўрта Осиёни босиб олди ва унинг беҳисоб бойликларини ўз саноати учун хом ашё манбаларига айлантирди. Бутун Туркистон давлатлари ва уларда яшовчи халқлар ҳам ўз суверенитетини (олий ҳокимиятнинг ўзларига тегишли эканлигини) ҳамда мустақиллигини йўқотдилар. Россия 1873 йил 12—24 августда Хива хонлигини, 10 октябрда эса Бухоро амирлигини енгилган давлатлар сифатида шартномалар тузишга мажбур этиб, уларнинг сиёсий мустақиллигини тугатди ҳамда ўз протекторати («ҳомийлиги»)ни ўрнатди. Яъни ўзбек хонликлари Россия салтанатининг розилигисиз бирор бир давлат билан ташқи дипломатик муносабатлар олиб бориши тақиқланди. Шу тариқа ўзбекларгина эмас, улар билан асрлар давомида қондош-жондош бўлиб яшаб келган бошқа халқлар ҳам Темур давридан кейин биринчи марта сиёсий мустақиллигини йўқотди. Европанинг ўнлаб давлатлари ҳудудига тенг келадиган Туркистон ўлкаси маъмурий ҳудудий мустамлака — Туркистон генерал губернаторлигига айлантирилди ва 1886 йил 12 июнда чиқарилган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» билан бошқарила бошланди. Ҳарбий ва граждан ҳокимиятини ўз қўлида тўплаган Туркистон ўлкасининг генерал губернатори бу ердаги халқларнинг «ярим подшосига», унинг канцелярияси эса давлатни бошқариш марказига айланди.

1917 йил Октябрь инқилоби ҳам жумҳуриятимиз халқларига тўла сиёсий мустақиллик олиб келмади. Бунга биргина «Қўқон мухторияти» ва унинг қонга ботирилгани, яъни ўн мингдан зиёд киши ҳалок этилиб, мустақиллик хоҳиши бостирилганлиги яққол мисол бўла олади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ташкил топиши ҳақидаги 1925 йилги 1 умумўзбек Советлари қурултойининг қарорлари, ЎзССРнинг ташкил топиши ҳақидаги Декларация, СССР Советлари III съездининг 1925 йил 13 майдаги ЎзССРнинг Иттифоқ таркибига кириши ҳақидаги қарорлари, ЎзССРнинг 1927, 1937, 1978 йилги Асосий Қонунлари расман уни сиёсий мустақил давлат эканлигини эълон қилган бўлсада, амалда республиканинг сиёсий ва халқаро ҳуқуқлари қирқилиб, марказий ҳукуматга олиб берилди. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг парламенти халқаро майдонда ва мамлакатимизда рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришларга таянган ҳолда 1991 йилнинг 31 августида учта муҳим ҳужжатни: «Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот»ни, «Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги қарор ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Бу ҳужжатлар жумҳуриятимиз халқларининг асрий орзулари расман тан олиниши, унинг юридик ифодасидир. Ҳурриятга интилган халқнинг қонун даражасига кўтарилган эрки, ҳоҳиш-иродасидир. Бу ирода инсониятнинг барча вакиллари томонидан тан олинадиган, қўриқланиб, ҳимоя қилинадиган қадриятдир. 127 йиллик танаффусдан кейинги сиёсий мустақилликдир. Мустақиллик йўли узоқ, машаққатли ва шу билан бирга шарафли йўлдир. Жумҳурият халқлари ўртасидаги дўстликка суянган ҳолда, бу йўлда изчиллик билан ижодий меҳнат қилиш натижасидагина мустақиллик реал воқеликка айланиши мумкин.

Сиёсий мустақиллиги иқтисодий ва ҳарбий мустақиллик билан мустаҳкамланган давлатгина мустақилдир. Тарихга бир назар ташласак, шу нарса маълум бўладики, XX асрнинг биринчи ярмида мустамлакаларини ўз қўлида сақлаб қола олмаслигига кўзи етган Англия уларни ўзи билан турли иқтисодий шартномалар тузишга ундайди, бунинг оқибатида эса янги мустамлакачилик сиёсати вужудга келди, натижада доминион—ярим қарам давлатлар пайдо бўлиб, яна узоқ йиллар уларнинг Англияга иқтисодий қарам бўлиб қолганлигини кўрамиз.

Ана шунинг учун ҳам «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилганидек, давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари республикамиз ҳудудидаги барча Иттифоқ ва Иттифоқ-республика корхоналари расмангина эмас, амалда республика мулкига айлантирилмоғи лозим. Уларнинг марказий муассасаларга ишчи кучи, инженер-техник ходимлар тайёрлаб бериши, хом ашё, эҳтиёт қисмлар, прокатлар билан таъминланиш борасидаги боғлиқлигига барҳам берилмоғи лозим.

Иқтисод илми борасидаги саводсизлик иқтисодий статистика маълумотларининг сир тутилиши ёки бузиб кўрсатилиши натижасида баъзи кишилар томонидан жаннатмакон Ўзбекистонимиз ва унинг халқларини яқин вақтларгача марказий республикаларга боқимонда, деб камситиб келинишига сабаб бўлди. Аслида эса қадимий ва жафокаш Ҳиндистон мустамлакачилик даврида ўз бойликлари билан Буюк Британиянинг мустамлака системасидаги «тожи» бўлгани каби Ўзбекистон ҳам, дастлаб Чор Россиясининг, кейин эса СССРнинг зар қидирувчилари учун «Элдорадо» — яъни тупроғида олтин ёмбилар сочилиб ётган ҳуқуқсиз ўлкаси эди. Унинг ана шу беқиёс бойликлари талон-торож қилинишидан қўрқаниши, ҳисобга олиниб назорат ўрнатилиши ва Республикамизнинг иқтисодий фаровонлиги йўлида хизмат қилиши лозим. Ўзбекистон табиати жуда ҳам бой ва сахийдир, аммо бу чексиз эмас.

КИШЛОҚ хўжалиги иқтисодиётида шуни таъкидлаш лозимки, XVII асрда жаҳон бозорида қўй жунига бўлган талабнинг кучайиши Англияда қишлоқ хўжалигида экин экиладиган ерларни йўқ қилиб, қўй боқиладиган майдонларнинг кенгайишига (монокультура) сабаб бўлган эди. Қўй боқиладиган фермаларнинг кўпайиши эса инглиз деҳқонларини ердан маҳрум қилиб, хонавайрон бўлишига, оқибат натижада бутун Англиянинг тиланчиларга тўлиб кетишига олиб келди. Бизда ҳам 1928 йиллардан бошлаб бутун Ўзбекистон иқтисодиётини пахта етиштиришга бўйсундириш ва уни Иттифоқдаги меҳнат тақсимоти асосида иш ошириб бориш қишлоқ хўжалик иқтисодиётини бирхилликка олиб келиб, табиий муҳит ва пахтакорларнинг аҳволи ниҳоятда мушкуллашишига сабаб бўлди. План кетидан қувиш эса қўшиб ёзиш жиноятини юзага келтириб, ўзбек раҳбар кадрлари учун бу ҳол худди «жазо ғилдираги остида югуришдек» бўлиб қолди. Чунки, кўпгина раҳбарларимиз ўзларини овутганларидек, пахтачиликдаги давлат планларига қўшиб ёзиш фақат 1980—1984 йилларда очилган эмас, балки бу даврий характерга эга бўлиб, ҳар сафар план оширилганда (1946, 1948, 1953 ва ҳоказо йилларда) оммавий равишда содир бўлиб турган. Шунинг учун ҳам пахтачилик борасидаги меҳнат фаровонлик эмас, барча оқибатлари билан таҳлика манбаига айланиб келган. Яъни агарда Англияда қўйчиликни мислсиз ривожлантириш «одамларни еб қўйган» бўлса, бизда пахтачиликни Иттифоқ манфаатларига бўйсундирилган ҳолда планли ривожлантира бориш ўзбек деҳқонларини жазо ғилдираги остига ташлаб турган. Мустақиллик бу борада сабоқ бўладиган хулосаларни бермоғи лозим. Пахтачилик ва унинг иқтисодиёти бундан буён аввало жумҳурият манфаатларидан келиб чиқиб ривожлантирилиши ва бу борадаги тадбирлар фақат мустақил ишлаб чиқилиши лозим.

Қонуннинг 5-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади» деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан кўринib турибдики, жумҳуриятимизда давлат органлари ҳокимиятнинг бўлиниши назариясига асосан ташкил қилинади. Бу таълимот пайдо бўлганидан бери чамаси 300 йиллар ўтди. У Ғарбий Европа давлатлари қурилишидан ўрин олган бўлиб, мутлоқ ҳокимият ва диктаторлик (якка шахснинг хоҳиши иродасига асосланган) сиёсий режимини инкор этади, унинг пайдо бўлишига қарши қўйилган. Шунга кўра қонунчилик ҳокимияти, ижро ва суд ҳокимиятлари турли орган ёки мансабдор шахсларга тегишли бўлиши керак. Демак, фикримизча мазкур қонуннинг қоидалари асосида дарҳол ижро ҳокимиятининг бошлиғи (Бош вазир ёки Вазирлар кабинетининг раиси ва ҳоказо) мансаби қайта тикланади. Бу қувонарли ҳол бўлур эди.

ДАВЛАТ мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотда аввалги иттифоқчи республикалар билан бўладиган ўзаро иттифоқ ва муносабатлар шаклларига ҳам эътибор берилган. Унинг мазмунидан Иттифоқ маъносида конфедератив — тўла бўлмаган, бир-икки масала юзасидан тузиладиган, масалан ҳарбий, иқтисодий ёки бож масалалари бўйича тузиладиган тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартномалар назарда тутилган. Аммо бу шартномалар мутлақо тенгликка асосланиши лозим.

Қонуннинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги миллий валютасини жорий этишга ҳақлилиги мустаҳкамланган. Шу ўринда баъзи бир мулоҳазалар ва таклифларимизни билдирмоқчи эдик. Туркия республикаси қоғоз пулининг бир томони Жалолиддин Румий, иккинчи томонида эса Камол Ота Туркнинг суратлари жойлаштирилган экан. Агар бизнинг ҳам қоғоз пулимиз жорий этилгудек бўлса, унинг бир томонида Алишер Навоий, иккинчи томонида эса Амир Темурнинг ёки деярли ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини давлат қилиб бирлаштирган Абдуллахоннинг суратлари ўрин олса, деган фикримиз бор.

Давлат герби масаласида эса туркий халқлар ва уларнинг давлат бошлиқларининг гербларини, шунингдек Амир Темурнинг ва Самарқанд Регистонидаги икки муҳташам бинони қурдирган Амир Ялангтўш Баҳодирнинг ҳам герби — чиқиб келаётган қуёш, юлдузлар ва йўлбарс тасвирини ўйлаб кўриш лозим. Шер тасвиридан хижолат тортмаслик керак, чунки у барча халқларда куч ва давлат рамзидир.

Булардан ташқари, биз келгусида Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси тезроқ ишлаб чиқилиши ва қадимий меъморчилик анъаналаридан фойдаланилган ҳолда қурилган Парламент биноси (ёки бошқа номда ҳам аташ мумкин: Қурултой уйи, Халқ мажлиси биноси ва ҳоказо) бўлишини истардик.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚДА

1 октябрь куни Тошкентда очилган бозор иқтисодиёти муаммоларига бағишланган халқаро семинар одатдан ташқари тадбирдан — Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг юқори курсларида таълим олаётган талабалар орасидан махсус гуруҳларга номзодлар танлаб олишдан бошланди. Бу гуруҳларда Норвегия олий тижорат мактабининг профессорлари дарс ўтадилар. Ана шу жойларга даъвогар бўлган юздан ортиқ талабадан атиги 53 киши қолди. Улар, албатта, Норвегиянинг етакчи тижорат мактабларида стажировка ўтиш шарти билан икки йил таълим олишлари керак. Ўқишни тамомлаганларидан сўнг уларга бир йўла иккита диплом — ўз олий ўқув юртлари дипломи билан фанлар бакалаври деган хорижий диплом берилади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Семинарни Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни, Норвегиянинг «Вест интернешнл паблишинг» фирмаси ва «Экта» кичик корхонаси ташкил этдилар. Бундай ҳамкорлик «Экта» кичик корхонасининг фаол воситачилигида мумкин бўлди. Ташкилотчилар бошланган мулоқот давом эттирилишига ва Ўзбекистон билан Норвегия ўртасида янада мустаҳкам алоқаларни ривожлантиришга шубҳасиз туртки бўлади, деб ишонмоқдалар.

Семинар дастури жуда ранг-баранг ва мазмунли, унинг қатнашчилари Норвегия фирмаси президенти, дорилфунун вакиллари, бутун жаҳонга машҳур «Бизнес қомуси» муаллифлари билан қизиқарли учрашувлар ўтказадилар. Дарвоқе, бу ерда учрашувлар чоғида ана шу нашрга обуна бўлиш мумкин. Талабалар беш кун мобайнида Норвегия олий тижорат мактаби профессорларининг маърузаларини тинглайдилар. Айтганча, бу дарслар мунозаралар ҳамда амалий вазифалар ҳал этилишини ичига олган ўзига хос услубда ўтказилади.

— Бизнинг вазифамиз Шимолий Европанинг жуда бой тажрибасини ўз муҳитимизга иложи борича тезроқ мослаштиришга, уни мамлакат минтақаларига мос равишда қўлланишга эришиш учун уринишдан иборатдир, — дейди фирманинг Москвадаги ваколатхонаси директори С. Остресова. — Маркетинг, менежмент асосларини биладиган ҳақиқий мутахассисларсиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу ишларни амалга ошириш жуда қийин бўлади.

(ЎзТАГ).

● Суратда: семинар қатнашчилари.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ҚОВУНЛАРИМИЗ ДОВРУҒИ

• АКС—САДО

ТАҲРИРСИЗ БОСИЛАЁТГАН ХАТ

(«Миришкор диёнати», 5 сентябрь 1991 йил)

Аввало, сизларни, оила аъзоларингизни улуғ айём — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги билан табриклайман.

Мустақилликнинг биринчи нишонаси — рўзномангизнинг «Ўзбекистон овози» деб аталиши билан мубораксод этамиз. Бу овоз мустақиллик, демократия, ҳуррият, бирдамлик овози бўлиб бутун дунёга жаранглासин.

Қадимдан оламга довруғи кетган Ўзбекистон қовуни, узуми, баргагию—майизи таърифи рўзномангиз орқали яна ўз ўрнини топади, деб умид қиламан. Рўзномангизнинг шу йил 5 сентябрь сонидаги «Миришкор диёнати» мақолангизни ўқиб, ўз фикримни ёзаяпман.

Аввало, рўзномангизда деҳқончиликка, айниқса, қовунчиликка катта эътибор берганингиз учун хурсандман. Бу республика ва рўзноманинг мустақиллик шарофати туфайли деҳқонга эътибори деб биламан.

Ҳар бир мамлакат, давлатнинг табиат инъом этган шоҳ ўсимлиги бўлади. Булар — буғдой, шоли, картошка, маккажўхори, апельсин, хурмо ва ҳоказо.

Республикадаги шоҳ ўсимликлар (неъматлар) бу—қовун, узум, ўрик ва шотут, Ўзбекистоннинг қовуни ширинлиги, тури, ранги, ҳиди, қаттиқ-юмшоқлиги бўйича жаҳонда ягонадир. Бободеҳқонлар яратган 160 хилдан ортиқ навли қовунлар пахта яккаҳокимлиги туфайли йўқола бошлади, айниқ бошлади ва ҳосили, сифати ҳам пасайиб кетди. Кўпгина нодир қовун навларининг йўқолиб кетишига давлат плани, нав синаш станцияси, «Сортсемовошч» ва вазирликлар ҳам ҳисса қўшишди. Масалан, жумҳуриятимизда энг ширин, энг кўп нав қовунлар Хоразмда, Қорақалпоғистонда етиштириляди. Бу ерда бободеҳқонлар ҳар бир район, қишлоқ шароитига мос келадиган 40 дан ортиқ ширин-шакар қовун нави яратганлар. Афсуски, нав синаш станцияси, «Сортсемовошч» бирлашмаси бу ерда фақат 5—6 хил қовун навини районлаштирган ва шу навлар уруғини экишга рухсат этган.

Минг раҳмат, айрим фидойи деҳқонларга, улар кичик томорқа ерларида катта қийинчиликларга қарамай айрим қадимий навларни сақлаб келмоқдалар.

Яна бир салбий ҳолат: бу — жумҳуриятимиздан ёзда, кузда пўсти қалин тарвузларни бошқа республикаларга жўнатганда у ердан келадиган шикоятлар-

● Миришкор деҳқонларнинг фикрича, давлат идоралари орқали қовун навларини тиклаш амри-маҳолдир. Бунинг учун ижара, оила, якка тартибдаги пудрат, шахсий хўжалик усулларини кенг қўллаш, деҳқонга мустақиллик бериш керак. Шунда деҳқон ўзи хоҳлаган ер шароитига мос навини экади.

Қовун навига қараб давлат харид нархини табақалаш лозим. Масалан, йўқолиб кетаётган ноёб қовун навларини юқори баҳода қабул қилиш ва деҳқонларни ноёб совғалар билан рағбатлантириш зарур.

Айтайлик, республикамизда яратилган помидор («Восток», «Ўзбекистон», «Узмаш») навларининг вазирлик қарори билан давлат харид нархи 2—3 баравар оширилиши натижасида унга қизиқиш ортиб, экин майдони кенгайди. Шундай тадбир қовунга ҳам жорий этилса, соз бўлур эди. Афсуски, шу кунгача қовунга эътибор берилмаётир. Унинг давлат харид нархи паст, бу қовунни эмас, деҳқонни камситиш, унинг қовундан кўнглини совутишдир.

Айтайлик, республикамизда анемия, сариқ ва бошқа касалликларнинг сабабларидан бири инсоннинг ёзда қовун-тарвузни истеъмол қилмасликларида бўлса керак. Чунки, ҳатто 1941—1945 йилларда Ўзбекистон аҳолисини мева, сабзавот, айниқса, қовун (қовун шинниси, қоқиси) очликдан, касалликдан сақлаб қолган.

Республикамизда шундай қовун навлари борки, у нонинг, гўштнинг, шакарнинг, дори-дармоннинг ўрнини боса олади.

Халқимиз шу сабабли бундай қовунларга исмижисмига монанд—нонгўшт, шакарпалак, обиноввот, жийдабарг, жўрақанд, қўйбош, гулоби каби атамалар берган.

Ўзбекистон қовунларига хорижий давлатларнинг ҳам талаби катта. Бироқ биз уни халқаро стандартга мос келадиган қилиб, яъни минерал ўғит, заҳарли химикатлар солмасдан етиштирсак бас, деҳқонларимиз бунинг уддасидан чиқа оладилар. Бунга мисол, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли комбинатнинг ижарачилари етиштирган қовунларига Япония ишбилармонлари ҳам қизиқиб қолишган.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги рост бўлсин, ширин-шакар мевалар мўл бўлсин ва уларни хорижга чиқариш кўп бўлсин. Ўзбекистон қовунларининг довруғи бутун дунёга ёйилсин, диёнатли, ҳиммати баланд ўзбек деҳқонлари бунинг уддасидан чиқишларига имоним комил.

Н. УСМОНБЕКОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЎЗИНГИЗНИ КЎРМАГАНГА ОЛМАНГ

• ХАЛҚ ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛГАНИ УЯЛМАЙСИЗМИ?

Сентябрь ойининг бошларида Хоразм вилояти бозорларида нарх-наво кўтарилса кўтарилдики, тушмади. Картошка 3 —3,5 сўм, пиёз 1,5 —2, гуруч 3—4 сўмга чиқиб кетди. Айни тўкинчилик пайти бўлса-ю, нега аҳвол бу даражага етди? Бундан бозорга кирган кишилар ҳам ҳайрон. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари нарх-навони туширишш учун чора-тадбирлар излашди.

Айни шу кезда эса вилоят йўлларида ўзгача аҳволни кузатиш мумкин эди. Катта-ю кичик юк машиналари худди ана шу тақчил маҳсулотларни вилоятдан ташқарига олиб чиқиб кетишни кўзлашарди. 4 сентябрь куни вилоят давлат автомобиль инспекцияси ходимлари Ҳазорасп райони йўлида МАЗ—5384 маркали машинани тўхтатишди, ҳайдовчи С. Саидов 7 тонна гуручни олиб кетаётган экан.

— Йўл бўлсин, — деб сўрашди инспекторлар.

— Туркманистонга.

— Вилоят ижроия комитетининг рухсатномасини кўрсатсангиз.

— Рухсатнома йўқ. Мен гуручни шахсий хўжаликлардан йиққанман. Хонқа районида яшайман.

Милиционерлар ҳайдовчига озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотни вилоятдан ташқарига олиб чиқиш учун махсус рухсатнома зарурлигини тушунтиришди. Юк машинаси жойига қайтарилди.

Худди шу куни Урганч районида Бухородаги автомобиль корхоналаридан бирига қарашли 43—00 БХП номерли машина ушланди. Унга 10 тонна гуруч юкланган бўлиб, ҳайдовчи А. Ҳакимов Тошҳовуз томонга шошаётган эди. Унда на рухсатнома, на маҳсулот харидига тўлов паттаси чиқди. Шу боис Урганч райони ички ишлар бўлими ходимлари машинанинг қаердан, қандай йўл билан шунча катта миқдордаги гуруч олганини аниқлашяпти.

Балки бу ишда жиноят аломати йўқдир. Гап бунда эмас, бошқа томонда. Элимиз учун танқис маҳсулот юртимизда қолдирилди. Вилоят ДАИсининг ўша кунги маълумотномаларини кўздан кечирар эканмиз, вилоятдан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллиги, миқдорининг кўплиги кишида ташвиш уйғотади. Масалан, Хива районидаги 44-автокорхона ҳайдовчиси О. Султонов 6,4 тонна пиёзни, гурланлик С. Нуриддинов ва Ш. Қодирберганов 1679 кг жунни, тошҳовузлик Б. Раҳмонов 316 килограмм саримсоқ пиёзни рухсатсиз олиб кетишаётган экан. Бу маҳсулотлар ўз жойларига қайтарилди, тайёрлов идораларига топширилди. Шунингдек, анча миқдордаги қурилиш материалларини ҳам юртдан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг олди олинди.

Эртаси кунги маълумотлар ҳам бундан кам эмас. «Ўзбекистон» гўшт, сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташиш автокорхонасининг Бухородаги бўлинмаси ҳайдовчиси Ж. Холиқов, КамАЗда 15 тонна картошкани Хўжайлига олиб кетаётганда тўхтатилди. Картошка Урганч шаҳар бозорида аҳолига сотилди. Хонқалик Ф. Айтметов 8 тонна гуруч билан тўхтатилди. Бу иш ўрганиш учун Ҳазорасп райони ички ишлар бўлимига ўтказилган...

— Бундай ҳолатлар ҳар куни рўй бериб турибди, — дейди Хоразм вилояти давлат автомобиль инспекциясининг алоҳида рота командири П. Каримов. — Умуман олганда, кейинги икки ярим ой ичида 170 тоннадан ортиқ гуруч, 82 тонна пиёз, 70 тонна картошка, 90 тонна қовун, 11 тонна олма ва бошқа турдаги бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот вилоятимизда қолдирилди. Бизни мутасадди идораларнинг раҳбарлари ўзларини билмаган, кўрмаганга олиб иш тутаётгани, танқис маҳсулотларни вилоятдан ташқарига олиб чиқиб кетишга йўл очиб бераётгани таажжубга солади. Чунки, ушланаётган машиналарнинг кўпчилиги автокорхона ва идораларга қарашли. Улар устидан қатъий назорат ўрнатилса, рухсатсиз маҳсулот олиб чиқиб кетишнинг пайи кескин қирқилган бўлар эди.

Ҳақиқатан ҳам, П. Каримовнинг фикрига тўла қўшилиш мумкин. Билиб-билмасликка, кўриб кўрмасликка олишнинг оқибати юртимиз аҳолисига зиён келтиради, бозорда нарх-наво ошишига имкон яратади. Бунга барҳам беришнинг йўли битта. Ҳар бир идора, корхона ва мутасадди раҳбарлар жумҳуриятнинг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига тўла риоя этиши, четга рухсатсиз маҳсулотлар олиб чиқишга йўл қўймасликлари лозим. Афсуски, амалда ҳамма жойда ҳам бунга риоя қилинмаяпти.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ҚАТНАШЧИСИ

Ошкоралик ва демократия туфайли ўзбек олимларининг чет эллардаги ҳамкасабалари билан алоқалари ривожлана бошлади. Ўтган йили буюк форс шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ёзилганлигининг минг йиллиги муносабати билан бўлган маъракаларда қатнашган Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтининг катта илмий ходими, таниқли навоийшунос Суйима Ғаниева куни кеча буюк форс шоири Ҳўжа Кермонийга бағишланган халқаро анжуманда қатнашиш учун махсус таклифнома олди.

Анжуман 15—18 октябрь кунлари Эроннинг қадимги Кермон шаҳрида ўтади. Олима Шоҳид Боҳунар донишгоҳи томонидан ташкил қилинган анжуманда қатнашиш билан бирга ўзбек адабиётига оид маълумотлар тўплайди, Эрон кутубхоналарида сақланаётган ўзбек адабиётига оид қимматли қўлёзмалар билан танишади.

«Шоҳнома» тантаналарида қатнашган Суйима Ғаниева ўзбек адабиётига оид ноёб қўлёзмалардан микрофильмлар олиб қайтган эди. Жумладан, Алишер Навоий дастхати нусхаси ҳам олима томонидан олиб келинган эди.

Эргаш УМАРОВ.

• Мустақиллик йўли — янгиланиш, истиқлол йўли

ДАСТУРХОНИМИЗНИНГ КАМИНИ ТЎЛДИРАМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ давлат мустақиллиги эълон қилиниши ўзбек халқининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Бу воқеани республикамиз меҳнаткашлари ғоятда мамнун бўлиб кутиб олдилар. Бу мустақиллик бошқа республикалар билан иқтисодий алоқаларда масъулиятни янада чуқур ҳис қилишимизни, хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйишимизни тақозо қилади ҳамда минтақаларо алоқаларимизнинг янада ривожланишига кенг йўл очиб беради.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий тадбирларни ҳаётга дадил тадбиқ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, ўзаро манфаатли алоқалар нафақат Ўрта Осиё республикалари билан, балки РСФСР, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Болтиқбўйи республикалари билан ҳам тобора ривожланиб, яхши самара бермоқда. Ўтган йили Тошкент вилояти Ленинграддан бир минг куб-метр яшик тахтачалари, 4 6 тонна полиэтилен пленкаси, беш юз тонна торф, қувур, шифер ва бошқа қурилиш материаллари олди. Қашқадарё вилояти Олтой ва Уралдан қирқ вагон ўрмон маҳсулоти, 11 вагон яшик тахтачалари беш вагон шифер ва бошқа материалларга ўзларида етиштирилган маҳсулотларнинг режадан ортиқ қисмини алмаштирдилар.

Вазирлигимиз мутахассислари Қозоғистондан 310 минг тонна донни жаҳон бозори нархидан пастроқ даражада пахта толасига ,консерва маҳсулотларига алмаштирдилар.

Бошқа республикалардан бизга зотдор бузоқлар етказиб бериш бўйича ҳам битимлар имзоланмоқда. Шуларга асосан Болтиқбўйи республикалари зотдор бузоқлардан 11 минг бош ўрнига 5092 бош, Белоруссия 3500 бош ўрнига 615 бош, Украина 6350 бош ўрнига 2562 бош, Тожикистон 2350 бош қўй ва эчки ўрнига 130 бош қўй ва эчки етказиб бердилар. Битимда кўрсатилган мажбуриятларни тўла-тўкис адо этиш мустақил республикаларнинг бундан кейинги алоқалари янада ривожланишининг муҳим шартидир. Уларни бажариш ҳам қарз, ҳам фарздир. Вазирлигимиз ўз навбатида зооветеринария асбоб-анжомлари, турли минерал ўғитлар, қоракўл тери ва жун етказиб бериш бўйича шартномаларни ортиғи билан адо этмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида республикамиз хўжаликлари мева-сабзавот, узум, полиз ва консерваланган мева-сабзавот маҳсулотларини ўзаро алмаштириш йўли билан бошқа республикалардан турли маҳсулотлар — тахта, ёғоч, цемент, шифер, қувур, металлар келтирмоқдалар. Масалан, вазирлигимизга қарашли хўжаликлар—Бухоро вилояти бўйича 5800 куб-метр ўрмон маҳсулоти, 1200 куб-метр тахта, 200 тонна металл, 1200 тонна цемент, 80 минг метр қувур, Жиззах вилояти бўйича 549 куб-метр ўрмон маҳсулотлари, 864 куб-метр тахта, 280 тонна цемент, 11900 метр қувур ва бошқа маҳсулотлар олдилар. Фарғона вилояти Фрунзе районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги Ленинград ҳарбий округи билан ҳамкорликда саккиз миллион сўм турадиган олти гектар майдондаги иссиқхона хўжалигини — қўшма корхонани ташкил этишга шай бўлиб турибди. Шу келишувга мувофиқ Ленинград ҳарбий округи республикамизга бу қўшма корхона учун тўрт миллион сўмлик металл конструкциялар, ойна, қувур ва машина-ускуналар етказиб бериши керак.

Бундай қўшма корхоналар қурилиши Тошкент вилоятининг Янгийўл районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида (Ленинграднинг «Ленторф» фирмаси билан ҳамкорликда), Бухоро вилоятининг Ромитон районидаги «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалигида (Братск алюминий заводи билан ҳамкорликда) бошлаб юборилган.

Маълумки, лоқайдлик ва ўзибўларчилик кайфияти билан яқин вақтгача табиат муҳофазасига ва ерларнинг заҳарланишига қарши етарлича аҳамият берилмай, турли самарасиз минерал ўғитлар келтириларди. Шуни ҳисобга олиб, Ленинграднинг «Ленторф» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда «Узбекленторф» қўшма корхонаси ташкил этилмоқда. Бу корхона республика иссиқхоналарини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини экологик тоза торф билан тўла таъминлайди.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши алоқаларни янада ривожлантиришга кенг йўл очиб бераётганини яна шунда ҳам кўриш мумкинки, мутахассисларимиз РСФСРнинг Волгоград вилояти ва шаҳри билан Андижон шаҳри ва вилояти ўртасида самарали ҳамкорлик ишларини йўлга қўймоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги таклифига биноан Волгоград вилояти ижроия қўмитаси раиси муовини П. В. Сидоренко, шаҳар ижроия қўмитасининг раиси муовини А. Н. Зуев Тошкентга келдилар. Шунингдек, улар Андижон вилоятига ҳам бордилар. Волгоград шаҳри ва вилояти билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартномалар тузган Андижон шаҳри ва вилояти ўз ишлаб чиқариш кучларини халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, аҳолига хизмат кўрсатиш миқёсларини кенгайтиришга, илмий алоқаларни ривожлантиришга сафарбар этмоқда. Улар ўзаро мутахассислар алмашиб туришга келишиб олдилар.

Волгоград шаҳри ва вилояти тўқимачилик ва енгил саноати корхоналарини пахта толаси, чарм билан таъминлаш ва Андижонда меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида ўзаро кичик корхоналар, цехлар, филиалларни қуриш, халқ истеъмоли молларини кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадида эса машинасозлик саноатининг илғор технологиясини ўзлаштиришга кўмаклашади. Андижонликлар эса ўз навбатида хўл мева, қовун-тарвуз, узум, қуритилган мева ва мева консерваларини Волгоград аҳолисига етказиб берадилар. Бунинг эвазига эса зотдор бузоқлар, қурилиш материаллари, металлар, турли ўғитлар, кимёвий ва биологик дори-дармонлар ҳамда жамоат чорваси учун тўйимли озуқалар оладилар. Волгоградда малакали ишчи кадрлар тайёрлаш, Андижон ёшларидан Волгоград илмгоҳларига қабул қилишни кўпайтириш, талабаларнинг кўқув-ишлаб чиқариш тажрибаларини Волгоград корхоналарида ўтказиш юзасидан аҳдлашиб олинди. Ўйлаймизки, андижонликларнинг Волгоградликлар билан ҳамкорликлари қишлоқ хўжалигининг ривожланишига катта ёрдам беради. Ҳозирги вақтда эса ўзаро келишилган шартномага кўра Волгоградда уч юз нафар андижонликлар ўзлари йиғиб-териб олган доннинг ўн фоизини олиш шарти билан баракали меҳнат қилишяпти. Шунингдек, андижонликлар юз гектар ерни ижарага олиш арафасида туришибди. Ўтган йили эса Хоразм вилояти хўжаликлари билан волгоградликлар ва целеноградликлар ўзаро мол алмаштириш асосидаги алоқаларни йўлга қўйган эдилар. Ҳозиргача улар 368 минг сўмлик турли мева консервалари эвазига 126 минг тонна аралаш озуқа, 680 минг тонна дон олдилар. Бу ҳали катта ишларнинг бошланиши, холос. Бундан буён республикаларо иқтисодий алоқалар янада ривожланишига ишончимиз комил.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятларини ҳамма бандлари бўйича бекаму кўст бажармоқдалар.

О. МАСУДОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг минтақаларо алоқаларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

• Ўзбекистон—Қозоғистон

Қозоғистоннинг Кўкчатов вилоятидан Бухорога сайру саёҳатга келган истеъфодаги полковник Юрий Абдулин Қоракўл районидаги «Партия XXVII съезди» давлат хўжалиги директори Субхонқул Одилов билан танишиб қолди. Меҳмон хонадонда ёзилган дастурхонда ширинлиги тилни ёрадиган узум, қовун-тарвузларни татиб кўрди.

— Қани энди бу нозу-неъматлардан барча кўкчатовликлар баҳраманд бўлишса, — деди у.

— Жўнатишга тайёрмиз, — мийиғида кулди отахон. — Буларнинг ҳаммаси ўз совхозимизда етиштирилган.

Орадан бир неча ой ўтгач Қоракўлдаги давлат хўжалигида Кўкчатов мева-сабзавот базасининг бош экспедитори Талғат Аспаров пайдо бўлди.

Талғат қувноқ йигит экан. Бир ҳафта ичида совхознинг барча ишчилари билан акаука тутинди. Кўп ўтмай келгусида ўзаро маҳсулот айрибошлаш тўғрисида келишиб олинди.

ҲАМКОРЛИК

Ёнилғи-мойлаш материаллари айни тақчил бўлган март-апрель ойларида давлат хўжалигига Кўкчатовдан кўп миқдорда бензин, дизель ёнилғиси келтирилди. Бундан нафақат хўжалик, районнинг барча механизаторлари баҳраманд бўлишди. Натижада экиш жараёни қисқа муддатда якунланди.

Совхоз ишчилари бунга жавобан пишиб етилган ҳосилни биринчи навбатда янги дўстларига жўнатишди. Ҳозиргача давлат хўжалиги Қозоғистонга 60 тонна узум, 20 тонна олма жўнатди. Энди бўлса қозоғистонлик биродарлардан ваъда қилинган буғдой ва ем озуқаси кутилмоқда.

Бундан ўн йилча муқаддам Субхонқул ота Замонбобо массивида мевачилик хўжалигини ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанида кўпчилик уни бу йўлдан қайтаришга уринди. Чўлда чаманзор яратиш осонми? Ман-ман деган йигитларни ҳам чарчатиб қўяди. Субҳонқул ота эса аллақачон пенсия ёшига етган, ахир.

Отахон ниятига эришди. Эндиликда меҳнат жамоаси район бўйича анча танилган. Бу йил улар мева тайёрлаш режасини уч баравар бажаришга аҳдлашган. Узум топшириш режаси ҳам ортиғи билан бажарилянти.

Бу ишларда Зиёрат қишлоқ Кенгашининг депутати Тошпўлат Бозоров, Нурмат Маматов бошлиқ бригадаларнинг фаолияти, айниқса, ибратлидир. Зулҳумор Рўзиева, Зулфия Жўраева, Санобар Раҳмонова, Боғдагул Бозорова, Латофат Элбоева каби эпчил қизлар кунлик вазифаларини иккиуч ҳиссадан адо этишмоқда.

Уларнинг ғайрати билан бу йил хўжалик қўлга киритадиган даромад яна 800 минг сўмга кўпайиши мўлжалланмоқда. Даромаднинг асосий қисми қардошлик алоқаларини кучайтириш натижасидир.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕНИНГДЕК ҒАМГУСОРИМ БОР...

• ОДОБНОМА

Тонг. Сиз ухлаётган хонага нурлар сизиб кира бошлайди. Оппоқ ёғдуга бутун вужудингиз, уйингиз, юртингиз чулғана бошлайди. Шул ёруғлик ва равшанлик аро янги кунингиз бошланади. Дунёда тонг нурларининг қатламларига илашган яна бир нур, ҳарорат борки, бу аёлнинг меҳри, муҳаббати, фидойилигидир. Шул меҳрсиз кеча олиши мумкин бўлган кунингиз ҳақида бир ўйлаб кўринг-а...

Сизни кимнинг чорловчи, ташвишли, жонбахш овози уйқудан уйғотиб, кимнинг жонбахш нигоҳи ишга кузатади?!

Ҳаётнинг залвор юклари елкангиздан босаверса, босаверса, кимнинг мададкор руҳи Сизни кучлилигингизга ишонтирган?! Кўзларингизни уйқу қароқчилари таласа, виждонингизга хиёнат овчилари тўр ташласа, вужудингизни лоқайдлик элчилари қаврасa сизни ким ҳушёрликка чорлайди?! Мард, кучли, оқил, тадбиркор эканингизга аввал ўзини, сўнг эса сизни ким ишонтиради?!

Оламда уй номли бир муқаддас тушунча бор. Рўзғор, бола-чақа, борди-келди, тўймаърака, яшамоқликнинг масъулияти, бурчи, роҳати, ғами, изтироби — шу чор кунжли мўъжиза ичида мужассам. Шу уйнинг ободлигию, кўнглингиз уйининг тинчлиги жиловдори ким? Энг бахтиёр кунларингиз, дўсту ёр садоқати, қон-қариндош васли шу уйда кечмайдими? Ҳаммадан яшириб йиғлаш мумкиндир, аммо уйдан ва аёлдан яшириб йиғлолмайсиз! Бутун умрингизни қуршаган бу нурли ҳалқалардан ҳеч нарсани бекитиб бўлмайди, бўлмайди...

Жаҳондин менга ғам бўлса,
улуснин ғар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса,
сенингдек ғамгусорим бор.

дея Бобур ҳазратлари кимга топинган эди?

Қирқ мамлакатни забт этган Амир Темурнинг кўнглини асир қила олган, унинг бутун авлодлари тарбияси ишониб топширилган (шул ўринда Темурдан-да устароқ забткор) сўзи ўткир соҳиба ҳам аёл эмасмиди?!

Елғиз ўғлини душманлар найранг билан асир этиб, ҳалок қилганларида соч юлиб, ёқа йиртиб йиғламасдан, жасорат билан элини бирлаштириб, душман устидан ғалаба қозонган она Тўмариснинг буюк қалби ёдингиздами?!

Нодиранинг бир вужудида қанча жасур инсон имконлари яшади экан?! Хоннинг нафақат рафиқаси, балки дўсти, ишларининг давомчиси, болаларининг онаси, душманлари ўқига қалқон эди у. Шеъриятга бахш этилган умр-чи?!

Гўрўғлибек! Сиз айтинг, ўзи ўлиб ҳам, гўр ичида туриб ҳам ёруғ дунёга сиздек ўғилни ҳадя этган ким?

Алпомиш! Сиз айтинг, Бойчиборнинг ёлларига нозик бармоқларини тароқ этиб, сизга минг йигит жасоратини ҳадя этган ким?

Эй, жангларда Ватан, элюрт ҳимояси учун қаҳрамонларча ҳалок бўлган йигитлар, қўйнингиздан топилган майин соч толалари, маюс боқиб турган суратлар кимники эди?

Улуғбек бобожон, юлдузларга сўнгги бор боқканингизда кимнинг интизор кўзларини тасаввур қилган эдингиз?!

Одам Ато! Жаннатдан-да жаннатироқ туюлиб, Сизни меҳру ишқи қанотларида ширин изтироблар дунёсига ким олиб кетган эди?!

Кечасини, бугунини, эртасини иккиланмай қўлларингизга топшириб, бошингизни силагувчи, кўксингизга бош қўйгувчи, оёғингиз гардларини киприги бирла олгувчи, эвазига кўнглингиздан бошқа ҳеч нарса тиламовчи мунис елкадошингиз ким?

Ўзи шоҳ, кўнгли шоҳ Бобур шоҳ сатрларини:

Муяссар ўлмаса, бошимни
қўймоқлик оёғнигга,
Бошимни олиб эй Бобур,
оёқ етгунча кеттаймен...

дея, ўртаниб буни кимга, кимга бағишлади?!

Бу — сендирсан АЕЛ! Зеро шу қадар муҳтарам, шул қадар муқаддас, бугун бир жилмай, кўнглинг севинчларга бир тўлсин, аёл!

Зеро, сен ўлимдан-да кучли, қувончдан-да қувончли, жаннатдан-да жаннати экансан, кучингни чамала, англа, нималарга қодирлигингни бил!

Шундай қилки, эркакнинг ғазаб билан кўтарилган қўллари муштга айланмасин, сочларингни силасин... Шундай қилки, ҳақоратга жуфтланган лаблар эркаловчи сўзлар айтсин! Шундай қилки, ўғилларинг қурол ясамасин, бешик ясасин. Айни кўркам чоғида жанг майдонига эмас, чимилдиққа кирсин, бўйнига ёрининг қўллари дор бўлсин, кўксини ёрининг мужгонлари яраласин. Шундай қилки, кўзларини ғазаб кўр қилган йигитлар ўзгалар қўлида қуролга айланмасин. Қони, жони, номуси, юрти бир бўлган жигарбандларига қўл кўтармасин. Шундай қил, шундай қилгин! Сен аёлсан, сен қудратлисан, сен буюксан, сен барча эзгуликларга қодирсан! Дунё сендан бошланади. Сенинг бағрингда йиғлаб, сенинг кўксингда кулади. Инсон боласи сенинг бағрингда оппоқ сутга тўяди. Сен не-не мағрурларни тиз чўктирган заифсан. Не-не кўнгли осмонлар елкангга бош қўйиб, кўз ёшини тўккан мунисасан.

Ҳа, сен урушлар, нафратлар, ёвузликлар йўлини тўсгувчи ожизасан. Сенинг шу заифа, муниса, ожиза ҳолингда тенги йўқ қудрат, дилбарлик, фидойилик мужассамки, шунинг учун аёлсан!

Қирқ биринчи йилнинг
ўқлари
Тутдай тўкди
болаларингни.
Ҳар бир ўққа кўксингни
тутиб.
Яproқларни асраган
сенсан!
Сен ўстирган норғул
йигитлар
Айландилар бир-бир
тупроққа.
Айрилмайин сўнгги
бардошдан
Тупроқларни асраган
сенсан!

Сенда бардош мўл, сенда қудрат мўл. Сенинг кўксингга дунёча қувончлар, дунёча ғамлар жой бўлади. Бу оламнинг мувозанати сенсан аёл! Аламларни ўзинг ютиб, қувончларни ўзгаларга қолдирасан, хазоналарни олиб, гулларни ўзгаларга қолдирасан. Серғавго, серташвиш умрнинг мувозанатини шундай қилиб сақлаб қоласан.

Сенинг чарчашга, чекинишга ҳаққинг йўқ аёл! Негаки сен яшаган олам осойишта, тинч, барқарор бўлгай. Меҳрга ташна элнинг, муҳаббатга ташна дилнинг ғамгусори бўлавер аёл!

Хосият БОБОМУРОДОВА,
шоира. Самарқанд.

● Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги соҳибкорлари бу йил 910 тонна ўрнига 1300 тонна узум йиғиштириб олишди. Бунда меҳнатни ташкил этишнинг ижара усули қўлланилганлиги яхши самара беряпти. Жумладан, Саодатхон Довулова бир гектар ердаги узумзорни ижарага олиб қабул пунктига 10 тонна узум топширишга эришди.

СУРАТДА: ижарачи Саодатхон Довулова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• Деҳқончилик саноати бўлимига келган хатлардан

● ФАРҒОНА. Ишонаверинг, Фарғона вилоятидаги Бувайда районининг «Ленинобод» жамоа хўжалиги 10-бригадаси теримчиси Мавлудахон Мирзаева ўн беш кунда хирмонга 2233 килограмм пахта тўкди. Янги тартиб асосида ҳар килограмм терилган пахта учун 40 тийиндан ҳақ ҳисобланиб, ўн беш кунда 893 сўм ишлади. Шу каби Шаҳринисо Қоробаева ўн беш кунда 2133 килограмм пахта териб, 853 сўм ишлади. Ҳозир ҳар икки чевар кунига хирмонга 200 килограммдан ошириб пахта тўкаётир.

Қ. ТУРСУНОВ,

● СУРХОНДАРЁ. Денов районидаги «8 Март» жамоа хўжалигида Н. Қобилов, Х. Маматраҳимов, У. Курбонов, Х. Хўжамбердиев бошлиқ бригадалар уруғлик пахта теришда илғорлик қилишмоқда. Бу йил хўжалик пахтакорлари ҳар гектар майдондан 34 центнердан ҳосил олиб, давлатга 3230 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилишган.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

● СИРДАРЁ. Усмон Юсупов районидаги Ғ. Ғулом номли давлат наслчилик заводи чорвадорлари қўйчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозир наслчилик заводида 45993 бош қўй ва кўзи парваришланмоқда. Хўжаликда жун қирқими ниҳоясига етказилди.

Наслчилик заводи чорвадорлари қишловга катта эътибор беришяпти. Қишки кошарлар ремонтдан чиқарилиб, чорва қишловига ҳозирлаб қўйилди. Чўпон-чўлиқларга зарур шароитлар яратиб бериш, иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш ҳам ёддан чиқмади.

Н. ТУРСУНОВ.

● АНДИЖОН. Хўжаобод район кооператив тайёрлов идораси жамоасининг фидокорона меҳнатлари туфайли 4025 тонналик турли хил маҳсулотлар топшириш йиллик режаси 4143 тонна қилиб муддатидан илгари ошириб адо этилди. Жумладан, 337 тонна карам, 15 тонна бодринг, 2500 тонна пиёз, 1100 тонна помидор, 44 тонна сабзи, 24 тонна саримсоқ пиёз ва бошқа турдаги сабзавотлар топширилди. Шунингдек, 160 тонна полиз маҳсулотлари, 195 тонна мева топширилди.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА.

● Пахтакор районидаги А. Икромов номли давлат хўжалигининг Абдуғани Мамиров бошлиқ звеноси аъзолари маккажўхоридан мўл ҳосил кўтаришди. Улар 46 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 41 центнер ўрнига 50 центнердан дон йиғиштиришди.

СУРАТЛАРДА: звено бошлиғи Абдуғани Мамиров, бош муҳандис Очил Қобилов, ҳисобчи Ваҳоб Рустамов ва комбайнчи Ортиқ Абдумаликов.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

• ФЕЛЬЕТОН

ЖАБРДИЙДА ОНАГА ХАТ

Қашқадарё. Помуқ қишлоғи. Гулжаҳон Оғаниёзовага.

Ҳурматли Гулжаҳон! Шириншакар ўғил-қизларингиз Эркинжон, Икромжон, Баҳодир, Зафар, Гўзал, Саида ва Юлдузлар соғ-саломат юришибдими? Оталарини қўмсаб, кўз ёши қилишмаяптими? Сизга жабр бўлди. 4 яшардан ўн уч яшаргача бўлган етти фарзанд орасида ўралашиб қолдингиз. Шу ҳақда ўйлаганимда кўзларимга ёш, бўғзимга тош келади. Кошки эди, ана шу тошни умр йўлдошингиз Ғайбулло Субҳоновнинг қотили Бекжон Жўраевга отсам.

Тўп қайрағоч тагида
Тўп ўйнаган етимлар.
Отамиз қайтармн, деб
Тўп ўйнаган етимлар.

На чора, энди у келмайди... Бекжон Уроқович Жўраев 1960 йилда Помуқ қишлоғида туғилган, оилалик, уч нафар фарзанди бор, маълумоти тўлиқсиз олий. Баҳористон тайёрлов идорасида тайёрловчи бўлиб ишлаган. Бой-бадавлат яшаган. 1989 йил 21 октябрь куни қамалган... Етти норасида ғўдак ва уларнинг қавму қариндошларини қон қақшатганидан кейин шу аҳволга тушган.

Ҳурматли Гулжаҳон! 1989 йилнинг 14 октябри сизнинг ва оила аъзоларингизнинг ёдидан бир умрга чиқмайди. Ана ўша куни «Узбекистон» давлат хўжалигининг 4-фермасида фожиа рўй берганди. Ҳужжатларда «синфдошлар ўтириши» деб номланган зиёфат чоғида сизнинг умр йўлдошингиз отиб қўйилганди. У шифохонага олиб борилганидан кейин жон берди. Не-не орзу армонлари бор эди-я, унинг! Ҳаммаси ўзи билан бирга кетди!

Усмон Юсупов район прокуратураси Бекжон Жўраев устидан Узбекистон ССР жиноят кодексининг 81-моддаси билан жиноий иш қўзғади. Тергов тугагач иш Муборак район халқ судида Т. Умрзоқов раислигида кўрилди. Судлов ҳайъати Б. Жўраевни Узбекистон ССР жиноят кодексининг 86-моддаси билан уч йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Гўё Бекжон Жўраев Ғайбулло Субҳоновни ўзи олиб борган ов милтиғи билан эҳтиётсизлик қилиб орқа томонидан отиб қўйган эмиш.

Ҳурматли Гулжаҳон! Ана ўшанда сиз ва сизнинг қариндош-уруғларингиз: «Бир инсонни йўқ қилиб ва етти фарзандни етим қолдириб, бир эшакни ёки эчкини ўғирлаганчалик ҳам жазо олмади-я!» — деб зор-зор қақшаб юрдинглар, кўп жойларга арз қилдинглар. Арзномаларингиз не-не амалдор шахсларнинг ғаладонларида ўқилмай қолиб кетди.

Сизнинг отангиз Нури Оғаниёзовнинг ҳимоячиси адвокат Ф. Халилов Қашқадарё вилоят судига шикоят ариза топширди. Унда «Б. Жўраев Ғ. Субҳоновни қастдан милтиқ билан отиб ўлдирган, суд асоссиз унинг ҳаракатини Узбекистон ССР жиноят кодексининг 86-моддасига квалификация қилган, шу боисдан ҳукмни бекор қилиб, ишни янгидан судга юбориш керак» деган фикр баён этилган эди.

Ҳурматли Гулжаҳон! Узингизга маълумки, 1990 йил 24 апрелда Қашқадарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди ва «Муборак район халқ судининг 1990 йил 2 март кунидаги Жўраев Бекжон Уроқовичга нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин» деб ажрим қилди.

Масалага аниқлик киритиш мақсадида мазкур «Ажрим № 22—160» деб номланган ҳужжатдан бир парчани айнан келтирамиз:

«...Субҳонов Ғ.нинг ўлими милтиқ билан отилиши натижасида содир бўлганлигини кўрсатган суд-медицина экспертизасининг 1989 йил 22 ноябрдаги хулосаси, далилий ашё ов милтиғи, ўқлар, марҳумнинг кийимлари, суд баллистика экспертизасининг марҳумнинг танасидаги ўқлар, жиноят жойидан олинган патронлардаги ўқлар билан бир хил составда эканлиги ҳақидаги хулосаси, шунингдек, суд баллистика экспертизасининг 1989 йил 3 ноябрдаги далилий ашё ов милтиғининг тепкисини босмаган ҳолда отилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосалари билан тўла исботланган».

Демак, бундан аниқ-равшан маълум бўлиб турибдики, милтиқ тепкисини босишга Б. Жўраевнинг ақли етган. Хуллас, бизнингча, у бу ишни эҳтиётсизлик билан эмас, балки билиб туриб қилган.

Энди «Ажрим № 22—160»даги мана бу гапларга эътиборни қаратайлик (айнан келтирамиз).

«Шикоятда марҳумни ўлдириш учун (Во, ажаб, марҳум ҳам ўлар эканми?! — У.Ю.) судланувчи милтиқ олиб чиққан деб кўрсатилса-да, судланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларига қараганда, бу ҳолат исботланмайди ва судланувчи милтиқни ов қилиш мақсадида олиб чиққанлигини, ўртоқлари билан биргаликда шиша отганликларини кўрсатган. Олдинги ўтиришларда ҳам судланувчи милтиқ олиб чиқиб, яна милтиқ кўтариб чиқиб нима қиларди?! Одатда шодиёна ўтиришларга милтиқ эмас, чалиб кўнгил очиш учун чолғу асбоблари олиб борилади-ку! Шундай экан, ажримдаги «Айбдорнинг ҳаракатини Узбекистон ССР жиноят кодексининг 81-моддаси билан квалификация этиш учун ушбу жиноятнинг асосий белгиси — қасд мавжуд бўлиши лозим. Судланувчининг ҳаракатида эса, қасддан одам ўлдириш жинояти белгилари кўринмайди» деган фикрга қандай қўшилиш мумкин?!

Ҳурматли Гулжаҳон Оғаниёзова! Сизнинг Нарзи Субҳонов ва Нури Оғаниёзовлар билан бирга рўзномамиз таҳририятига ёзган шикоят хатингиз текшириш ҳамда чора кўриш учун жумҳурият Олий судига юборилган эди. У ердан олинган расмий жавобда (№ 6—513—91) «ҳукмни бекор қилиш ҳақидаги келтирилган шикоят оқибатсиз қолдирилди» дейилади.

Келинг, ўша жавобдаги мана бу жумлаларни ўқиб кўрайлик-да, мазмуни чақайлик.

«...Синфдошлар 1989 йил 14 октябрь куни ўтириш ташкил қилишиб, спиртли ичимлик шиша отган, бу ҳолатни гувоҳлар ҳам судда тасдиқлайдилар».

Ҳурматли Гулжаҳон! Қаранг-а, овга «роса ишқибоз» бўлган Б. Жўраев ҳар гал фақат шиша отиш билан машғул бўлган эмиш. Бепоён чўлда ов қилиш учун, наҳотки, бирорта ёввойи жонвор ёки қуш топилмаган бўлса?! Мабодо ундай бўлса, аввалги сафар шиша отиб панд еган «овчи йигит» бу гал ўтиришга ичишган. Жўраев Б. ўзи билан ов милтиғини олиб бориб Ҳайдаров билан бир мартадан бутилкаларни нишонга олиб отиб мусобақа қилиб ўйнашган. Бироздан сўнг Жўраев маст ҳолда ов милтиқ билан даврада ёнбошлаб ўтирган Субҳонов Ғ.ни орқа томонига келиб, уни тўсатдан отиб қўяди».

Қассобга мой қайғиси, эчкига — жон! Қаранг, қанчалик лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан айтилган гаплар-а, булар?! Жўраев Ҳайдаров билан мусобақалашган эмиш! (Афсуски, жавоб хатида мусобақа натижаси маълум қилинмаган). Шу ўринда яна бир ҳаққоний савол туғилади: «Жўраев нега Субҳоновнинг орқа томонига келиб отди, олд томонидан отмоқчи бўлганида, кўриб қолиб, албатта, у ўзини ҳимоя қиларди-да?!

«Султон суягини хўрламас» деган ҳикматли гап бор халқда. Хуллас, судлар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб туришибди. Ҳай, майли, уларнинг айтганича бўла қолсин. Лекин бари бир шундаям Бекжон Жўраев қотиллигича қолаверади-ку! Етти нафар норасидани меҳрибон отасидан жудо қилган қотил! Тавқи лаънат ҳамиша унинг бўйнида! У элу юрт нафратидан бир дақиқа ҳам қочиб қутила олмайди. Шоир айтганидек,

Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топғусидир.
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топғусидир.

Ҳурматли Гулжаҳон Оғаниёзова! Сиз бу ҳикматга астойдил ишонаверинг

Усмон ЮСУПОВ.

Театр—менинг ҳаётим

ҲАММАСИ БИРДАЙ АЗИЗ...

Навбатдаги премьера тугаганидан сўнг театр залида Саъдихон акани кутиб турдим. Кўп ўтмай устоз санъаткор чиқиб келди. У ниҳоятда ҳурсанд эди. Бунинг боисини биландик албатта. Ахир, шундай масъулиятли асарда шогирдни муваффақиятга эришириш, оригинал изланишларга даъват қилиб, мақсадга етиш осонми?! Ҳа қайтадан, янгидан саҳналаштирилган «Алишер Навоий» спектакли ижрочилари орасида Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаевнинг шогирдлари кўп..

— Мир Алишернинг ёшлигини ўйнаган Беҳзоднинг ижросини кўриб, санъатга қадам қўйган йилларни, биринчи ролларингизни эслаган бўлсангиз керак-а?, — дедим саломлашгандан сўнг актёрга.

— Бўлмасам-чи Биз ҳам яқиндагина ёш артист эдик. Вақтнинг ўтишини қаранг, саксон бешни уриб қўйибмиз, ижро этган ролларимиз эса юздан ошиб кетибди. Лекин бизлар театр санъати оламига қадам ташлаган даврлар бошқача эди. Биласиз, йигирманчи йилларнинг охири, ўттизинчи йилларнинг бошлари қандай мураккаб бўлганлигини. Ана шундай алғов-далғовли, серкураш йилларда илк ролимни ижро этганимдан фахрланаман. Тўғри, куни кеча педагогика техникумини битирган, профессионал ижрочиликни тўла ўзлаштиришга хали улгурмаган актёрнинг биринчи талқини мукаммал эмасди. Лекин устозларимнинг далдаси, эътирофлари, саҳнадошларимнинг даъватлари мени янги изланишларга чорлагани ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Беҳзодлар — бахтли ёшлар. Улар яқин келгусида янада катта ютуқларга эришишларига ишонаман. Чунки, шароит яхши, ижодий муҳит баркамол, бадиий маданиятимиз анъаналари улар изланишларида ёрқин кўриниб турибди.

— Саъдихон ака, ўзбек актёрлари орасида Владимир Ильич Ленин ролини биринчи бўлиб сиз ижро этгансиз. Айтинг-чи, шундай масъулиятли ишга киришишда қўрқмаганмисиз?

— Тўғри, эллай олмасам қандай бўлади, деб қўрқканман, куну-тун ҳаяжондан тўлғаниб юрганман. Бироқ режиссёрнинг меҳрибон, чинакам ундовини, ёрдам керак бўлса, биз тайёрмиз, деб турган саҳнадош дўстларимнинг муносабатини кўриб, умид билан ишга киришиб кетганман Н. Погодиннинг «Кремль курантлари» пьесаси асосида саҳналаштирилган бу асар узоқ вақт саҳнадан тушмай намойиш этилганида камина энг аввало театр ижодий жамоасига таъзим қилганман...

— Ҳар бир актёрнинг севимли роллари бўлади. Сиз учун алоҳида қадрли бўлган шундай ролларни билмоқчи эдик.

— Биласизми, артист учун ҳамма образ, роль бирдай севимли, бирдай қадрли бўлади. Негаки, санъаткор уларнинг ҳаммасига бирдай заҳмат чекади. Лекин «алоҳида» деган гапингизга қўшиламан. Мен учун «Номус ва муҳаббат» драмасидаги Яхшибой, «Фарҳод ва Ширин»даги Ёсуман, «Ревизор»даги Хлестаков, «Алишер Навоий»даги Мансур, «Қутлуғ қон»даги Мирзакаримбой, «Сўнгги нусҳалар»даги Сухсуров роллари ана шундай айрича ишлар бўлган. Асоси адабиётимизда муҳим, қимматли ўрин тутган мазкур спектакларни саҳнага чиқариш жараёнида, бошқалар қатори мен ҳам кўп нарсаларни ўзлаштирганман, ҳаёт, хусусан, тарих ҳақидаги ҳақиқатларни ўзим учун янада чуқурроқ кашф қилганман.

— Ҳамза театрингизнинг ҳозирги ижодий қиёфаси, изланишлари, шогирдларингиз ҳақида нима дейсиз?

— Аввало, эл орасида отахон театр, Академик театр деб эътироф этилган жонажон масканимнинг бугунги мавқеи ҳам ўзига муносиблигини баралла таъкидлаб ўтмоқчиман. Ижодий жамоамизда янгиликлар бўляпти. Бу — қувонарли. Масалан, моҳир актёр сифатида танилган Турғун Азизов режиссурага ҳам қўл уриб, ютуқларга эришяпти. Маратжон Азимов дастлабки спектакллари билан умидли режиссёр сифатида назарга тушди. Шогирдларимнинг сўнгги йилларда саҳналаштирилган спектакларда ҳиссаси катта бўлаётганлигини фахр-ифтихор билан таъкидлайман. Энг муҳими, театримизнинг эртасини ҳам мазмунли қиладиган ёш ижодий кучларга эгамиз...

Саъдихон Табибуллаевдан театр санъати муаммолари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам сўрамоқчи эдик. У бизни тинглаб туриб: «келинглар, яхшиси, бу тўғрида ўзим бир мустақил чиқиш қилиб берай» деди. Бу таклифни бажонидил қабул қилдик. Саксон беш ёшга кирган, аммо ҳали бардам-бақувват, ижоддан узоқлашмаган, аксинча, ҳали ҳам унинг ғами билан яшаётган атоқли санъаткорнинг ибратли мулоҳазаларини яқин орада ўқиб қолсангиз ажаб эмас.

85 ёшингиз қутлуғ бўлсин, Саъдихон ака!

ЮСУФ БЕРДИЕВ.

• *Спорт*

АЛАНГАГА ЧАП БЕРИБ

Атрофга ҳушёрликка чорловчи ўзига хос чинқириқ таралди. Йигитлар оёққа қалқиб, чаққонлик билан ўзларини машиналарга урдилар. «Чинқирганча» катта тезликда елиб бораётган автомашиналар ғовларни айланиб ўтиб тўхтади. Йигитлар вақтни бой бермай, қўлларига нарвон олиб, югура кетдилар. Улар тўсиқлардан ошишар, тўсин бўйлаб юришар ва тўрт қаватли бинога нарвон уриб, чапдастлик билан юқорига кўтарилишга ҳаракат қилардилар. Алангга зўрайгандан зўрайиб, олов тиллари кўкни ялаб турган бир алпозда куч билан пуркалаётган сувни нишонга бехато ура бошланди...

Бу манзарани Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида кузатиш мумкин эди. Спортнинг амалий ўт ўчириш тури бўйича динамочилар мусобақасида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган жамоалар ўзаро куч синашди.

— Бутуниттифоқ мусобақасининг Тошкентда учинчи марта ўтказилиши боиси бор, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири З. Мирзоиров. — Сабаби республикамизда ёнғиндан муҳофаза қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўт чиқишининг олдини олишга аҳамият берилмоқда. Шунга қарамай, арзимаган эҳтиётсизлик, қоларверса, масъулиятсизлик оқибатида шахсий уйлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида сабабсиз ёнғинлар содир бўлиб туради. Ўтган йили 25 минг 500 дан кўпроқ ёнғин бўлганлиги қайд этилган. Бу кунига 70 дан зиёд ёнғин содир бўлаётганлигидан далолатдир. Жойларда нохуш воқеалар юз бермаслиги ва уларни бартараф этиш учун ўт ўчирувчиларнинг ҳамиша шай бўлишлари тақозо этилади. Мусобақада эса 15 команда иштирок этмоқда.

Амалий ўт ўчириш баҳсининг алоҳида хиллари бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учинчи-тўртинчи ўринларни қўлга киритиб, кўпчиликни мамнун этди. Умумий ҳисобда кучли олтиликдан жой олди. Россия терма жамоаси «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг кўчма совринини қўлга киритди. Ғолибларга медаллар, нишонлар ва эсдалик совғалари топширилди.

— Амалий ўт ўчириш мамлакатимизда эндигина оммавийлашаётган спорт турларидан ҳисобланади,— дейди Ўзбекистон терма жамоасининг устози А. Скок. — Шу жиҳатдан қараганда республикамиз вакилларининг кўрсатган натижаларини ёмон деб бўлмайди. М. Норбоев, А. Зарубил, А. Пешеходка, А. Старенцлар спорт устаси талабларини бажаришди. Бу ўт ўчирувчи йигитларнинг маҳоратлари ошиб бораётганини кўрсатади.

Ш. ҚУРБОНОВ, М. КОЗИЕВ.

Публицистика

ҲАҚ АЗАМАТ ЭРУР

ХАЛҚ даҳоси битмас-туганмас бир хазинадир, ундан бир чимдим олиб руҳингга сингдирсанг ёрдусидан юрагингдаги ғам-алам тарқалади,баҳри-дилинг очилиб, тафаккуринг тиниқлашади, руҳингда қатъият қарор топади, йўлингни эса бир умр йўлчи юлдуз бўлиб ёритади.

Кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибаларга эга бўлган қариялар халқ даҳосининг хазинабонларидир. Ёшлигим тоғлар оралиғидаги гўзал Фарғонада ўтган, анвойи гуллар билан безанган гилам далалар, оқ чодирдай гуллаган ўрикзорлар, тинимсиз жилдираб турган марварид жилғалар водийнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Биз болалар қамишлардан паррак ясаб, жилғаларда тегирмонтегирмон ўйнардик.

Бир куни кўкламдан асалари уяларини баланд тоғ бағридаги сайҳонликка олиб чиқиб кетган бобомникига меҳмонга бордик. Бобом бошларимизни бир-бир силаб чиқдилар-да, катта сопол товоқда тилларанг хушбўй асал қўйдилар... Нон синдириб, «Қани, чироқларим, нонни ботириб енглар», дедилар. Бирам мазали... Эсимда, бобомдан бу асални қандай тайёрлаганларини сўрадим. Бобом кулиб қўйдилар-да, бир поя устида очилиб турган гулнинг ичидан биттасини кўрсатдилар.

— Ҳув, гулнинг ичида ғимирлаб юрган нарсани кўряпсанми? Уни ишчи асалари дейишади, болам. У ўша гулнинг ичидан жиндай болни сўриб олади-да, инига олиб бориб йиғаверади. Шундан асал пайдо бўлади, тушундингми?

— Шу митти асалари шунча асал йиғадими?

— Ҳа, у митти, лекин битта эмас-да...

Бобом қўлларини силаб аста гапирган куйи эҳтиёт бўл, деб мени огоҳлантирдилар-да, асалари яшиклари томон бошлаб бордилар.

— Асаларилар қўпол ҳаракатни ёқтиришмайди, — дедилар.

Асалариларнинг уясини кўриб лол бўлиб қолдим. Сонсаноқсиз асаларилар визиллашиб учиб келишади-да, инга кириб, бир зумда яна қайтиб чиқиб кетишади.

— Ҳа, жимиттак, — деб таъкидладилар бобом, — лекин улар бари аҳил. Бирлашган ўзар дегани шу бўлади. Уяниям бир бўлиб қуришади: мумкатакларнинг чиройлилигини қара! Уларнинг кучи бирлашганида, ҳамжиҳатлигида, бу сўзни эсингда тут, чироғим.

Ўшанда бир вақт келиб бобомнинг бу сўзлари кўнглимга таскин берувчи, қатъият сари етаклайдиган умидбахш бир чашма янглиғ ҳаёлимда жонланади, деб ўйлаганмидим.

УРУШДА темирлар алангга олади, ер остин-устун бўлиб кетади. Инсон ўз қўли, қудрати билан яратган дўзахий кучлар бирлашиб унинг ожиз ва нотавон бошига зарба бўлиб тушади, ўзини чил-парчин қилади. Мен яқинимда портлаган биринчи тўп ўқининг ўзиёқ жисмимни тилка-бора қилиб юборади, деб ўйлагандим.

Бизнинг фамилияларимиз ҳар хил эди, лекин ҳаммамиз бир-биримизга ўхшардик. Бу ўхшашлик юз-кўзимизда эмасди. Мен, ҳарбий журналист Муҳиддин — ўзбек, дўстим Саша Бондаренко — украин, фронт газетасининг мухбири Нина Сэрдил — молдован бир мақсад — ғалабага умид, интилиш билан ажал ёмғиридан ўтиб борардик. Ўшанда бобомнинг ёшлигимда «Бирлашган ўзар» деган сўзини эслагандим. Ўлим чангалида ўтган ҳар бир дақиқа, ҳар бир кунимиз бу сўзларнинг далили эди. Рейхстаг деворига ёзилган русча, украинча, эстонча, туркманча — буларни санаб адо қилиб бўларканми — фамилиялар гувоҳ бунга.

...Мусибат оғушида юртимизга тинчлик кириб келди. Лекин бу қадимги тинч ҳаёт эмас, уни яратиш, барпо этиш керак эди. Куллари кўкка соврилган, хонавайрон бўлган қишлоқлар, шаҳарларни қайта қуриш керак эди. Далаларни тирилтириш, боғ-роғлар яратиш зарур эди. Ғалаба юзини кўрган одамларнинг гарданида ниҳоятда машаққатли ишларни амалга оширишдек вазифа турарди. Бу қийинчиликлар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқарилиб бартараф этилганда бобом сўзлари йўлчи юлдуздек туюларди менга.

1966 йилдаги Тошкент зилзиласи... Инсониятнинг ишонган тоғи бўлмиш Она замин ларзага келди. Бир зум силкиниб, инсоннинг кўп йиллик меҳнатини кўкка совурди.

Ўшанда мен кўча кезиб юрарканман, хаёлимда урушда кўрганларим жамланди. Ўюм-ўюм ғиштлар, ичкари си кўриниб қолган уйлар. Ҳавода осилиб турган печка, ранги ўчган гулқоғозлардаги чорчўплар — уларда суратлар осиғлиқ турганлиги аниқ... Чодирдаги ҳаёт, кундик қони тўкилган жойдан ажралиш алами. Чанг-тўзон. Тунги фарёдлар...

Ер биринчи ва иккинчи қўтариб ташлаганда икки миллион квадрат метр уй-жойи хонавайрон бўлган тошкентликларнинг, ёлғиз қолса, қўлидан нима ҳам кела оларди? Улар мамлакатнинг ҳар бир бурчагидан эшелонларда олиб келинган тахталарни, тайёр цемент, тунукаларни қабул қилиб олишди. Москва, Ленинград, Киев лойиҳалаш институтларининг филиаллари янги уйлар қурилишига киришиб кетди. Ўзбекистоннинг зарар кўрган пойтахтини қайта тиклаш учун маблағ, куч билан бутун мамлакат ёрдамга келди.

Ўзбек халқи бошига тушган мусибат кўпчилик бўлиб бартараф этилди.

Мен баҳсга киришмоқчи бўлиб турган мулоқотчиларнинг овозини ҳозирданоқ эшитиб турибман:

— Нима бўпти? Шундай бўлса бўлгандир-да. Биз она тупроғимизни бепоён пахта пайкалларига айлантириб, ҳаммаёқни заҳар бостириб юборган эканмиз, буни фақат ўзимиз деб эмас, бутун мамлакатнинг ҳам роҳатини деб қилдик-ку. Дарёларимизни йўқ қилдик. Оролни қуритдик. Харитада Оролқум деб аталадиган янги саҳрони бунёд этдик. Қани бизнинг булбуллар хониш қиладиган гўзал боғ-роғларимиз, полиз майдонларимиз?... Ҳа, биз ҳам қарз қолган эмасмиз!..

Бошга тушаётган бу кунги янгидан-янги мусибатларни кузатиб, илдизини ўйлайман. Бобом ўгитларини эслайман.

Камчиликни йўқотиш учун уни келтириб чиқарган омилларни излаш, уни йўқотишга биргалашиб киришиш, мардлик, донишмандлик билан иш тутиш зарурлигини кўраман. Нафақат ички кучларни, айни вақтда хориждаги соғлом кучларни ҳамроз қилиш йўлида республикада амалга оширилаётган ишларни бир фуқаро сифатида маъқуллайман. Жумҳурият раҳбарияти томонидан излаб топилган омилардан бири — яқинда Тошкентда бўлиб ўтган 54 та катта ва кичик давлатлардан 500 дан ортиқ ишбилармонлар учрашувини қўллаб-қувватлайман.

Сиёсий ва иқтисодий турмушдаги туб ўзгаришлар, республикамизнинг Мустақиллиги ҳақида қонун қабул этилиши, жумҳуриятимизнинг халқаро бозорга мустақил чиқиши учун кенг истиқболлар очилаётганлиги халқ даҳосининг ифодасидир.

Халқ даҳоси зангламайди ҳам, чиримайди ҳам. Буни унутсак — ғамимизга ғам қўшилади. Халқ иродасига қулоқ осайлик.

Марказдаги бир гуруҳ давлат шахсларининг авантюрачилик давлат тўнтариш ҳаракатлари чиппакка чиқди. Ўзбекистон жумҳурият раҳбарияти, халқимиз шу оғир вазиятда ҳар хил шов-шувларга ва ўйламай қилинган чақириқларга учмадилар.

Митингбозлик, сафсатабозлик, зўрлик ва талончилик юракларда қора из қолдиради, улар жабр кўрганларни ҳам, мияси гангиб ўт қўйган, сўйган, талаганларнинг ҳам қаддини букиб кетади. Муштлашиш — мағиз улашиш эмас! Бу ҳақда эшитишнинг ўзи оғир. Ёмонлик яхшилик келтирмайди — отабоболаримиз айтиб кетган доно сўзлар, халқнинг кўп асрлик тажрибаси шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради. Ҳазрат Навоий эса бу ҳақда шундай деганлар:

Башарият, инсоф қилинг, одам ишимас—ёвлик.
Иттифоқда яшайлик — энг афзали тотувлик...

Ҳа, жамиятда катта ўзгаришлар ва кескин бурилишлар бўлаётганида бепоён мамлакатимиз истаган туманининг тинчлиги ҳақида гапириш қийин. Лекин, қадрли юртдошлар, биз орзуламаётган тинчлик ва осойишталик ўз қўлимизда-ку. Бундай тинчлик-осойишталикка биргаликда ҳаракат қилиб эришишимиз ва уни сақлаб қолишимиз керак-ку.

Ў ЗБЕКИСТОН кўпмиллатли хонадон, унда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Ҳамма тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Сўнгги пайтда ўттиздан ортиқ миллий маданий марказ ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Туб миллатга мансуб бўлмаган халқлар тилида рўзномалар, ойномалар чиқмоқда, телекўрсатувлар ва радиоэшитиришлар соати узайтирилмоқда. Дарслар рус тилида олиб бориладиган 1200 мактаб ишлаб, уларда 657 минг бола ўқияпти. Тожик ва қозоқ тилида ўқитадиган мактаблар ҳам кўпайтирилмоқда. Жумҳуриятда 27 рўзнома рус тилида чиқади. Олий ўқув юртларининг русча бўлимлари, нашриётларнинг русча муҳарририятлари бор. Энг муҳими, Президентимиз Ислом Каримов жумҳурият Олий Совети сессиясида нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда аҳоли миллатига, тилига ва диний эътиқодига қараб камситилмайди, деб таъкидлади.

Ҳар бир халқ ўзича иқтидорли: улар ўзаро алоқада гуллаб-яшнаб, камол топадилар. Жумҳуриятимиз шу пайтгача эга бўлган моддий ва маънавий бойликдан қандай қилиб корейсларнинг гуручини ва уйғурларнинг лағмонини, Вильданов ва Юдаковнинг куйлари, Рўзи Қодирийнинг шеърлари ва Шомил Алядиннинг романларини, Тамарахоним санъатини чиқариб ташлаш мумкин.

Биродарлар, яна бир нарсани эслайлик... Мустақиллик, эркинлик ҳаммамиз учун қадрли. Ўзбекистон ором ўлкаси эмас... Мамлакатнинг ўзаро маҳкам боғланган хўжалик комплекси асрлар мобайнида шаклланган. Бу алоқаларнинг узилиб бораётганлиги турмушимиз фаровонлигига путур етказаётганлигига ачинамиз.

Одам одамга керак. Уй қуриш учун кўп ғишт керак бўлади...

Инсониятнинг энг илғор, энг доно вакиллари қачонлардир одамларнинг келиб чиқиши маълум доирага, миллатга, ирққа тегишлилигига қараб эмас, соф инсоний сифатларига қараб баҳоланишини орзу қилганлар. Умуминсоний маданият биноси энг доно, энг иқтидорли кишилар томонидан асрлар мобайнида яратилди.

Асрлар мобайнида барча бойликларнинг манбаи хунрезлик эмас, ўзаро ёрдам, ҳашар бўлган. Фақат ҳамжиҳатликда, бир тан, бир жон бўлганимизда, кучларни жамлаганимиздагина замон олдига қўйган буюк вазифаларни муваффақиятли адо этишимиз мумкин.

Бизнинг кучимиз — бирликда. Фақат асалари оиласидек аҳил бўлсак, келажак мумкатагини болга тўлғазамиз. Ёрқин келажагимизга эса, албатта ишонамиз, у ўз қўлимизда!

Шубҳа қилма:
йўқлик олиб кетар бош.
Ҳақ азамат эрур,
ҳақ эрур кучлик.
Қанча олис турса
кўкдаги қуёш
У ердан шунчалик
кўринар кичик.

Муҳиддин ЖАББОР.

Қадриятларимиз тикланяпти

Камтарин, камсуқум, донишманд отахонлар, мунис ва муҳтарама онахонлар жаҳон миқёсида иззат топдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан илк марта кексалар халқаро табаррук куни нишонланди. Маълумки, иймон ва эътиқодли инсон борки, азалий шарқона удумларга кўра кексаларимизни ардоғида сақлашга интилади. Халқимизда олтин олма дуо ол, деган ажиб нақл бор. Халқаро кексалар кунида ҳам мустақил Ўзбекистон Республикасининг шаҳар-қишлоқларида катта-ю кичик табаррук зотларнинг иззатини ўрнига қўйишга, кўнглини овлашга, савобдан қуруқ қолмасликка ҳаракат қилинди. Ўзбекистонда кексалар куни ўзига хос байрамона тус олди.

Суратларда: халқаро кексалар кунида олинган лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИКС

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ — УМУМИЙ ИШИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг бирон-бир маҳсулотни — ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,

«БИККС—АЛИНА» БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ

УЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаси, Россия деҳқончилик биржасида, «Санкт—Петербург» биржасида, Бутунроссия кўчмас мулк биржасида, «ТОШКЕНТ» универсал мол биржасида, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек «БИККС-АЛИНА», турли биржалардаги яна 18 та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда «БИККС-АЛИНА» фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олди-сотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажрибали брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишимизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент—146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.
Тошкентдаги телефакс: 8-3712-90-41-97.

Москвадаги телефонлар: 193-84-03, 457-20-85, 181-65-30.

Москвадаги телефакс: 8-095-200-22-16, 200-22-17.

«БИККС-АЛИНА»УЮШМАСИ.

АМАЛИЙ ЭНИОЛОГИЯ

(Табиатда қувват-ахборот алмашуви)

БУТУНИТТИФОҚ УЮШМАСИ

«НАДИМ» ФИРМАСИ

контактсиз массаж усулларига ўргатиш курсларига

ҚАБУЛ ЎТКАЗМОҚДА

Дастур 1 ойга мўлжалланган.
Машғулотлар гуруҳлар тўлиши билан бошланади.

ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Киров райони, Низомий кўчаси, 59-уй.
Транспорт: 2, 16, 22-трамвайларнинг охирги бекати, 19-автобуснинг «Ўзбексельмаш» заводи бекати.

«Надим» фирмаси.

«Союзреклама» Акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИГА

бош муҳандис, бош механик, бош энергетик, фойдаланиш (ишлатиш) бўлимининг бошлиғи, таъминот бўйича агент, электр ускуналарни ишлатиш бўйича техник; муҳандислар, назорат-ўлчов асбоблари бўйича, 1-ва II-тоифали қурувчи, I ва II тоифали программист, электрончи, иссиқлик-шамоллатиш ускуналари бўйича, ўқув ускуналарини таъмирлаш бўйича, видеотехникани ишлатиш бўйича, телевидениени ишлатиш бўйича; ишлаб чиқариш таълими мастери, телемарказ лабораторияси мудири, II тоифали режиссёр, II тоифали телеоператор, рассом, II тоифали катта муҳандис, I тоифали техник, телемарказнинг II тоифали техниги, ўқув телевидениесининг техниги, техникавий таълим воситалари лабораториясининг мудири, ҳисоб-китоб бўлимининг бош ҳисобчиси, ҳисобчи, машина бошлиқлари, автомашина ҳайдовчилар, техникавий таълим воситалари лаборатория бошлиғи, техник-муҳандис, боғбонлар, боғ ишчилари, ўт ёқувчилар, ҳаммомчилар, фаррошлар ва қоровуллар

КЕРАК

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, Халқлар дўстлиги орденли Тошкент давлат аграр дорилфунуни (19, 83, 96, 156, 165, 167, 491-автобусларнинг «Тошкент давлат аграр дорилфунуни» бекати).

1991 йил 16—18 октябрда

Ўзбекистон Республикаси Геология Давлат комитетининг

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЎҚУВ МАРКАЗИДА

«Ўзбекистон Республикаси заргарлик, хомашёбоп ва кошинкорлик тошлари»

КИМ ОШДИ САВДО-ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ким ошди савдо-ярмаркаси иштирокчилари ўз маҳсулотлари, хом ашёлари, технологиялари билан улгуржи ва чакана савдо қилишлари, шартномалар, савдо битимлари, аҳдлашув ва келишувларни амалга оширишлари мумкин.

Ярмаркага давлат, қўшма, кичик корхоналар, кооперативлар, жамоат ташкилотлари ва хусусий кишилар таклиф қилинадилар.

Бизнинг манзилгоҳ:
700027, Тошкент шаҳри, Фурқат шоҳкўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 45-08-66, 65-93-45, 56-06-02.

Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг «Узмонтажпромспабкомплект»и

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Етакчи муҳандислар: металл прокати, қувурлар ва металл буюмлар; кимё; ускуналар ва электр материаллар; ташқи иқтисодий алоқалар бўлимлари.

Ойлик маош 650 сўм, ҳар кварталда мукофот берилади.

Таъминот ташкилотларида ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассислар таклиф этиладилар.

Ишга жойлашиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 25-уй, 8-қават.

Тошкент Давлат дорилфунуни ва журналистика факультети жамоалари филология фанлари доктори, Матбуот назарияси ва амалиёти кафедраси профессори, СССР Ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари аъзоси

Очил ТОҒАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУҲТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиётва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода—3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.

№ 193.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12